



ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 11 сентябрь кун Оқсаройда Қирғиз Республикаси, Туркменистон, Руминия ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимишдаги янги Фавкуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Эмилбек Узақбаев, Шири Шириев, Ромео Станчу ва Жорж Эдгар ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини қутлар экан, Ўзбекистон мазкур мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга муҳим эътибор беришини таъкидлади, масъулиятли ва шарафли миссиясини бажаришда элчиларга муваффақиятлар тилади.

Қирғизистон элчиси билан суҳбат чоғида бугунги кунда икки давлат ўртасидаги муносабатлар халқла-

римизнинг ҳамкорликдаги кўп асрлик дўстлик тажрибаси, тарихий ва маданий муштараклиги пойдеворига қурилиши ва ривожланиши мумкин ва зарур экани таъкидланди.

Қирғизистон элчиси Ўзбекистон—Қирғизистон алоқаларини ўзаро хурмат асосида конструктив ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билишини қайд этди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тақдири умумий тарих ва маданият орқали чамбарчас боғланган. Ўзбекистонда Туркменистонга ҳамкорликнинг барча йўналишлари фаол мустақкамланиб бораётган яқин қўшни ва ишончли ҳамкор сифатида қаралади.

Мунтазам равишдаги олий даражадаги мулоқотлар давлатлараро алоқаларнинг изчил ривожини учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортиб, транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда, икки мамлакат халқлари ўртасида маданий-гуманитар алоқалар фаоллашмоқда.

Элчи Шири Шириев бор куч-гайрати ва дипломатик тажрибасини икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада раванқ топтиришга, давлатлараро битимлар ва эришилган келишувларни амалиётга татбиқ этишга йўналтиришини таъкидлади.

Ўзбекистонда Руминияга Жануби-Шарқий Европадаги муҳим ва истиқболли ҳамкорлардан бири сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йилда Руминияга ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларга мустақкам пойдевор қўйилиб, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган.

Учрашувда томонларни қизиқтирган барча йўналишларда Ўзбекистон—Руминия алоқаларига янги суръат бағишлаш, ҳамкорликнинг икки томонлама институт ва механизмлари ишини фаоллаштириш, икки мамлакат ишбилармон доираларининг мулоқоти ва қўшма лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида манфаатлар муштарак экани қайд этилди.

Элчи Ромео Станчу Ўзбекистондаги миссиясини мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий алоқаларни янада кенгайтириш учун имконият деб билишини таъкидлади. Унинг фикрича, бугунги кунда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Барча соҳаларда ҳамкорлики изчил ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон—Буюк Британия мулоқотининг асосини ўзаро англашув, конструктив ёндашувлар, замонавий таҳдид-

ларни теран идрок этиш ташкил қилади.

Суҳбат чоғида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан сиёсат ва хавфсизлик борасидаги икки томонлама муносабатларни мустақкамлаш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда, мамлакатларимизнинг фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида ҳамкорликини кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратилгани таъкидланди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Жорж Эдгар Буюк Британия раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларни узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли асосда изчил ривожлантириш тарафдори эканини қайд этиб, ўзи ушбу вазифани бажариш учун бор куч-гайратини сарфлашга тайёрлигини билдирди.

ЎЗА



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ ЯНГИ БИНОДА

Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошлади.

Замонавий қиёфа ва қулай шарт-шароитга эга мазкур таълим маскани 300 ўринга мўлжалланган. Бу ерда юқори педагогик технологиялар асосида ўқиш имкониятига эга

бўлган ўқувчилар ихтиёрида юз ўринли кўркем спорт зали ва шинам ошхона ҳам бор.

Суратда: Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари.

Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА БАРҚАРОР ДАРОМАДНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДИР

Мамлакатимишда 12-14 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтади. Мазкур нуфузли анжуманда ўнлаб мамлакатлардан



Soʻz — konferensiya ishtirokchilariga

икки юздан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари анжуман қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Налини ТАВЕСИН хоним, Таиланд бош вазирининг ўринбосари:

— Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётгани бугун бутун дунё томонидан кенг эътироф этилган.

(Давоми 2-бетда.)

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА БАРҚАРОР ДАРОМАДНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистоннинг жадал иқтисодий юксалишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг алоҳида ўрни бор. Таиландда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади. Бу соҳалар мамлакат тараққиётининг муҳим тармоқларидан ҳисоблангани боис Таиландда ҳам кичик бизнес билан шуғулланадиган корхоналар сонини кўпайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу гўзал заминда ҳукм сураётган осойишта ҳаёт, фаровонлик, тинчлик ва барқарорликка ҳавасим келди. Келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлики янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятида-миз.

Тиаго Мело ПАТРИСИО, "Monte Adriano" компанияси директорлар кенгашининг аъзоси (Португалия):

— Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш, энг қулай бизнес муҳитини яратиш, соҳа вакиллариغا имтиёз ва енгилликлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилаётганига амин бўлдим. Халқаро ташкилотлар ва йирик молия институтлари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берилганидан хабарим бор. Мамлакатингизда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ютуқлар эътирофга лойиқ. Шу боис биз ҳам Ўзбекистон бозори билан янада яқинроқ танишиш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ниятида-миз.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, бунёдкорлик ишлари самараси йўлсозлик соҳасида ҳам аққол намоён бўлмоқда. Айтиш жоизки, текис ва раван йўللار нафақат мамлакат кўрки, балки иқтисодий тараққиётнинг ҳам асосий омил ва мезонларидандир.

Ўзбекистон билан Португалия ўртасида хусусий тадбиркорлик соҳасида ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари катта. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан музокаралар ўтказдик.

Дуглас ГРАЙМС, "Mir" сайёҳлик корпорацияси президенти (АҚШ):

— Сайёҳлик мамлакат иқтисодини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан. Жаҳон сайёҳлик бозорига нуфузи юксалиб бораётган Ўзбекистонни қўришга ҳавасмандлар тобора кўпаймоқда. Улар орасида америкалик сайёҳлар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Юртингизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўллаб-қувватлаш амалга ошириш лойиҳалари юксак самаралар бераётир. Мамлакатингизда қад ростлаётган замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати тўдан яхшиланаётгани, сайёҳлик соҳасида хусусий сектор улушини янада кўпайтириш, соҳага жалб этилаётган чет эл сармоялари ҳажмини оширишга қаратилаётган эътибор диққатга сазовор.

Компаниямиз сайёҳлик соҳасида Ўзбекистон компаниялари билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар, уларнинг бетакрор меъморий обидалари, гўзал табиати ҳар қандай сайёҳ эътиборини жалб этади. АҚШда ҳам юртингиз маданияти ва санъати, тарихи ва бугунги кун билан танишишга қизиқиш катта. Ўзбек миллий ҳунармандлик буюмлари, матолари, сўзана ва гиламлари, миллий таомлари барчага ёқад. Компаниямиз АҚШда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини, маданияти ва урф-одатларини тарғиб қилишга оид қўллаб-қувватлаш лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш катта. Мақсадимиз ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Мангкорн ДАНАСАРНСИЛП, Таиланд саноатчилар федерацияси раисининг ўринбосари:

— Федерациямиз кимё, қурилиш, озиқ-овқат саноатида фаолият юритувчи фирма ва компанияларни амалий қўллаб-қувватлашга ихтисослашган. Мазкур йўналишда иш олиб бораётган тадбиркорлар ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш ва йўлга қўйиш, маҳсулот сифатини назорат қилишда ташкилотимиз хизматидан фойдаланади. Таиландда ҳам Ўзбекистондаги каби аҳолининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Турли соҳаларда фаолият юритувчи кичик ва ўрта компаниялар учун талай имтиёзлар мавжуд. Янги иш бошлаган ишбилармонларга имтиёзли кредит ва грантлар ажратилади, тажриба ошириш учун семинар ва ўқув курслари ташкил этилади ҳамда маҳсулотлари сифатини назорат қилувчи ташкилотлар томонидан маслаҳатлар берилади.

Ўзбекистонга бундан тўрт йил олдин ҳам келган эдим. Ўтган вақт мобайнида Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Хар соҳада ривожланишни кўриб, ҳайратим ошди. Юртингизда тадбиркорлик субъектларининг бизнесга доир гоёларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маркетинг ва консалтинг, ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш орқали тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини, бизнес юритиш кўникмасини шакллантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётгани жуда қувонарли. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 57–60 фоизини ишлаб чиқарар экан. Бундай

натияжага эришиш, албатта, мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг амалдаги самараларидир. Банклар ҳам ишбилармонларни имтиёзли кредитлар билан таъминлашни тўғри йўлга қўйган. Кузатувларим натижасида шунга амин бўлдимки, Таиландда ҳам, Ўзбекистонда ҳам аёлларни тадбиркорликка жалб этиш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётир. Бугунги кунда дунёда кўплаб нуфузли компанияларни аёллар бошқармоқда.

Бартломью ВИТЕК, «Biebuyck» компанияси менежери (Бельгия):

— Қарийб етмиш йилдан буён муваффақиятли фаолият юритаётган компаниямиз шиша буюмлар тайёрловчи замонавий технологияларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганидан хабардорам. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда ҳар бир жамият ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати ва таъянича, давлатни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётир.

Роб ВЕННЕКЕР, «Greenfields» компанияси менежери (Нидерландия):

— Дунёнинг турли давлатларидан олиму мутахассислар, йирик молия муассасалари ва етакчи компаниялар вакиллари, қўллаб-қувватлаш одамлари иштирок этадиган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сисёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзuida-ги нуфузли, гоёт муҳим ва долзарб халқаро конференцияда иштирок этиш имкони туғилганидан жуда бахтиёрман.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринлари очиб, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилларидандир. Иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлиш ушбу тармоқ мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшади. Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги иш билан банд аҳолининг аксарияти айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани мамлакатингизда хусусий секторнинг ривожига қаратилаётган улкан эътибордан далolatдир. Нидерландияда ҳам ҳукумат томонидан ушбу соҳани тараққий эттириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Компаниямиз спорт соҳасига, хусусан, футбол ва теннис каби спорт турлари учун майдонлар ҳозирлашга ихтисослашган. Мамлакатингиздаги улкан ва барча қулайликларга эга футбол майдонларини бориб кўрдик. Ўзбекистонда спорт юксак даражада ривожланаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу борада юртингиздаги тегишли муассасалар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ниятида-миз.

ЎЗА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

САОДАТГА ЭРИШГАНЛАР

Хонқа туманидаги Қорамози қишлоғида пиру бадавлат хонадонлар анчагина. Айниқса, Ўқтамбой Эгамбердиев ҳамда Ўғилжон Жабборованинг оиласи ҳақида илиқ фикрларни айтиш мумкин.

— Тумандаги 10-умумий ўрта таълим мактабида қарийб 40 йил ёшларга таълим-тарбия бердим, — дейди оила бекаси Ўғилжон опа. — Ҳаётимни билим тарқатишга бағишладим. Болалар умримнинг мазмунига айланган. Ўқитувчилик жуда нозик ва машаққатли касб. Унинг ўзига хос, кўз илғамайдиган ширин ташвишлари ва мураккабликлари бор. Бунини ўқитувчи бўлиб ишлаган кишигина ҳис қилиши мумкин. Нафақага чиққангизга кўп бўлмади. Минг бор шукр қиламан — мустақиллик даврида ишлаш насиб этди, ёшлар таълим-тарбиясига, ўқитувчи обрў-эътиборини оширишга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлардан баҳраманд бўлаяпмиз. Ўртбошимиз ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини сифатида белгиланиб, умумхалқ байрами тарзида нишонлаб келинмоқда... Бугун ўқувчиларимнинг ўрнини неваро чевараларим тўлдириб юришибди. Хар кун мактабдан қайтиб келишгандан сўнг яна бир қарра уларга дарс ўтаман, деган. Бу ҳам бир мактабда мен учун.

Онахон ҳаётидан мамнун. Ўқтамбой ака билан иноқ ва аҳил яшаб, олти фарзандни вояга етказишди, олий маълумотли қилишди. Ўғли Исломбой ва келини Саломатхон она касби — ўқитувчиликни давом эттирмоқда.

Бугун 18 нафар неваранинг ардоғида кексалик гаштини сураётган онахонга кўпчилик ҳавас билан боқди.

— Оиладаги осойишталикнинг илдизи бир-бирини тушуниб яшада, — дейди кекса педагог. — Онам айтардилар: "Эр кишини хурмат қилган аёл асло кам бўлмайди. Ишдан чарчаб келганда табассум билан кутиб олсангиз, эрталаб табассум билан кузатиб қўйсангиз, уйингизга фаршталарин кўради. Эр кишига бўлар-бўлмас гап-сўзлар билан мингирлайверсанг, уйдан меҳри совийди..." Онаминг сўзларини икки қилмадим. Бугун қизларим ва келинларимга ҳам шундай насиҳат қиламан. Уйда тинчи бўлсин эркакнинг! Ана шунда оилангиз фаровон ва тўкин-сочин бўлади. Аҳилликда ҳикмат кўп!

Фарзандларининг барчасини уйли-жойли қилган онахону отахон бўш вақтларини томорқада ўтказишади. Жисмоний меҳнат саломатлик гарови эканини улар яхши билишади.

Оиладаги кичиктойларнинг аксарияти ўқитувчи бўлиш истагида ҳалитданоқ жажжи қўлларига қалам тутиб, ёзиш ва чизишни машқ қилишмоқда. Улар "Алифбе"дан сабоқ бераётган онахон ўқитувчини ҳоли-жонига қўймайди...

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Хоразм вилояти

Бугун мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилаётгани мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар олдида ҳам янги талаблар қўймоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури асосида умумтаълим муассасалари қисқа муддатда замонавий қиёфа касб этиб, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Бу, ўз ўрнида, ёшларимизга энг илғор воситалар орқали замонавий билимларни ўргатиш имкониятини яратди. Ушбу шарт-шароитларни масаланинг бир томони деб қарайдиган бўлсак, улардан оқилона фойдаланган ҳолда таълим жараёнини самарали ташкил этиш иккинчи бир жиҳат сифатида

доимо ўзига бериб яшаш лозим.

Маълумки, ходимлар учун қулай иш шароити, соғлом муҳитни яратиш, уларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш орқали таълим муассасалари зиммасидаги вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш самарали бошқарув асосини ташкил этади. Сўнгги йилларда мактаблар моддий-техник базасини мустахкамлаш, ўқитувчи ва мураббийларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Педагогик жамоа ўртасида ўзаро соғлом рақобат, ижод-

қилиш мумкин. Шундагина ўқитувчи ўзига берган баҳосини раҳбариятнинг ҳаққоний баҳоси билан солиштириб тўғри хулоса чиқаради, ўз фаолиятига танқидий ёндашишга оdatланади. Натижада жамоанинг ҳар бир аъзосида ўз ўзини ривожлантириб бориш кўникмаси ҳосил бўлади.

Бугун мактаб директорлари сафи ёш раҳбар кадрлар эвазига янгиланиб бормоқда. Бу бир тарафдан янги куч, янги ташаббуслар дегани бўлса, бошқарув маҳорати назарий билимлар билан бирга амалий, ҳаётий тажриба асосига қурилишини ҳисобга олиб, уларни маълум маънода тарбиялашимиз зарурлигини ҳам аниқлатади. Шу мақсадда ҳудудларда ёш мактаб директорларига ҳар томонлама методик ёрдам кўрсатади-

ши, ўқитувчининг шахсий муаммолари касбий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун уни ўз вақтида моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш зарур. Тахририятимизга келатган мактубларда жойларда айрим раҳбарлар директор жамғармаси маблагларини тақсимлашда ноҳолисликка йўл қўяётгани, бу эса ўз ўрнида мактабдаги ижодий муҳитга салбий таъсир кўрсатаётгани, энг ачинарлиси, меҳнат муносиб рағбатлантирилмаган тажрибали ўқитувчиларнинг ҳафсаласизликка берилишига олиб келиши мумкинлиги куюнчалик билан баён этилган.

Мактабда муҳитни ўқитувчилар жамоаси яратади, бироқ бунда директорнинг ҳам муҳим ўрни бор. Муҳит ўзаро муносабатлардан таш-

Dolzarb mavzu

гуруҳбозлик кўчаиб кетади. Педагогик кенгашларда муаммолар очиқ таҳлил этилиб, асосли таклифлар иноватга олинса, фикри ҳурмат қилинган ўқитувчи ўзини шу жамоанинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этиб, умумий масалаларни ўзининг шахсий иши деб қабул қилишга ўрганади.

Товонимизга қадалган тикандан бутун танамиз озор чекканидек, ижодий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар ҳар бир ходим қалбида оғриқ бериши керак. Акс ҳолда, бир-бирига ола қараб, дуч келди дегунча фикрлашадиган ёки жараёнда шунчаки тоmoshabin бўлиб турадиган, боши бирикмайдиган жамоада жипслик, ҳамжиҳатлик ҳақида гап бўлиши мумкинми?!

— Тажрибамда кўп бор си-наб кўрганман: мактабда соғлом муҳитни қарор топтириш муваффақиятларнинг бош омили бўлиб, бунда ўқитувчиларни ижодий изла-ниш билан банд қилиш жуда яхши самара беради, — дейди Камолидин Ғопиров. — Ма-салан, мактабимизда ўқитув-чилар илмий жамиятини таш-кил қилиб, Андижон давлат университети олимларини ҳам ҳамкорликка чақирган-ми. Фан ўқитувчилари ярат-ган дарс ишланмалари, ўқитиш усуллари шу ерда му-

МАКТАБДА СОҒЛОМ МУҲИТ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?

муҳим аҳамиятга эга. Таълим мазмунини бойитиш, самарали ўқув услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, ўқувчилар билимида юқори кўрсаткичларга эри-шиш, хоҳлаймизми-йўқми, ҳал қилувчи куч — педагогик

корлик ҳамда ташаббускор-лик муҳитини юзага келтириш мақсадида директор жамғар-маси ташкил этилиб, фаол ўқитувчиларни қўшимча ра-вишда рағбатлантириш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси-ни ҳозир мустақил равишда

ган тажрибали раҳбарлардан иборат гуруҳлар ташкил этил-са, фойдалан холи бўлмас эди.

— Фаолиятимда муайян бир масалага ходимнинг ин-дивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, айти пайтда юзага келган вазиятни чуқур ўрганган ҳолда ёндашишга интиламман, — дейди Наман-ган шаҳридаги 11-умумтаълим мактаби директори Одилжон Ҳусанов. — Бир куни энг фаол ўқитувчилардан бири топши-риқни ўз вақтида бажармаган-ини айтишди. Уни ҳузурим-га чақириб: «Опа, сизнинг ютуқларингиз жуда кўп, шу пайтгача ўз вазифаларингизни кўнгилдагидек адо этиб кела-япсиз, лекин мана бу ишни негадир эътиборсиз қолдириб-сиз. Биламан, яқинда соғли-гингиз ёмонлашиб, даволаниб чиқдингиз. Ишга киришиб ке-тишингиз қийин кечаётгандир. Ўйлайманки, тез орада аввал-ги мавқеингизни тиклаб ола-сиз», дедим. Ўқитувчи гаплар-римдан тўғри хулоса чиқариб, кўнгли кўтарилиб ишга кири-шиб кетди. Айтмоқчиманки, бир оғиз ширин сўз билан ёки танбех билан ўзини ўнглаб олади, муҳими — уларга тўғри муносабатда бўлиш.

Ўқитувчи ўз ўқувчилари қобилиятини юзага чиқариш-га масъул бўлса, директор ҳам ўз ходимлари дилига тугиб, айтолмай юрган эзу режалар-ни вақтида пайқаш, яширин имкониятларини ишга солиш учун шароит яратиши керак. Педагогни ижодкорона иш-лашга, бор қобилиятини на-моён этишга ундовчи қатор омиллар мавжуд. Энг аввало, жамоа аъзоларининг шахсий эҳтиёжи, манфаатларини ҳимоялаш ва қондириш ло-зим. Раҳбар ўз ходимларининг ижтимоий аҳволи, оилавий шароитидан хабардор бўли-

кил топади. Мисол учун: раҳ-бар — ўринбосар, раҳбар — ходим, ходим — ходим муно-сабати. Мутахассислар раҳбар шахси, масалага ёндашуви тўғрисида фикр юритиб, ди-ректорнинг ўринбосар ва хо-димлар билан муомала мада-

Товонимизга қадалган тикандан бутун танамиз озор чекканидек, ижодий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар ҳар бир ходим қалбида оғриқ бериши керак. Акс ҳолда, бир-бирига ола қараб, дуч келди дегунча фикрлашадиган ёки жараёнда шунчаки тоmoshabin бўлиб турадиган, боши бирикмайдиган жамоада жипслик, ҳамжиҳатлик ҳақида гап бўлиши мумкинми?!

Раҳбар томонидан олиб бориладиган ҳар қандай назорат баҳолаш ёки рағбатлантириш билан якунланиши шарт. Меҳнатга яраша рағбат бўлган жойдагина вазифалар ижросини қатъий талаб қилиш мумкин. Шундагина ўқитувчи ўзига берган баҳосини раҳбариятнинг ҳаққоний баҳоси билан солиштириб тўғри хулоса чиқаради, ўз фаолиятига танқидий ёндашишга оdatланади.

жамоадаги бирдамлик, аҳил-лик ва соғлом ижодий муҳит-га боғлиқ.

Таълим тизими олдида қўйилган ижтимоий талаблар-нинг бажарилишида, айтиқ-са, мактаб директорининг ўрни бекиёс. Ҳозирги кунда фақатгина юқори ташкилот-лардан тушадиган кўрсатма ёки меъёрий ҳужжатларни кўр-кўрона бажарувчи эмас, балки ўз фаолиятига ижодий ёндашадиган, ташаббускор, замонавий фикрловчи, соғлом ғоявий-сиёсий тушунчага эга, педагогика, психология, бош-қарув илми билимдони бўлган тадбиркор директоргина мак-табда соғлом муҳитни ярата олади. Президентимиз таъкид-лаганидек, раҳбар барча со-ҳаларда жамоадан бир қадам олдинда юриши, кўзланган мақсад натижасини аввалдан кўра билиши, ҳар қандай ва-зият ва муаммоларга тайёр туриши, жамоани ортидан эр-гаштириши, соҳага онд энг янги маълумотларга эга бўли-ши, «Мен шу лавозимга лой-иқманми?» деган саволни

иш олиб бораётган, ўзини таълим муассасасининг ҳақиқий раҳбари деб билган мактаб директори учун бош-қарувда кучли таъсир омил-лари, кенг имконият дея ба-ҳоласак тўғри бўлади. Демак, ҳамма гап раҳбарнинг талаб-чанлиги, ҳолислиги ва ўз иши-га қанчалик фидойилик билан ёндашишга боғлиқ бўлиб қолади.

— Мактаб директори ўз ла-возимига тааллуқли қайси ва-зифани бажармасин, ҳар бир хатти-ҳаракати охир-оқибат таълим-тарбия жараёнини са-марали ташкил этишга қара-тилмоғини доимо ёдда тути-ши зарур, — дейди Андижон вилояти Шахрихон туманида-ги 53-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Камолидин Ғопи-ров. — Раҳбар томонидан олиб бориладиган ҳар қандай назорат баҳолаш ёки рағбат-лантириш билан якунланиши шарт. Меҳнатга яраша рағбат бўлган жойдагина вазифалар ижросини қатъий талаб

ниятига алоҳида аҳамият қаратади. Хусусан, ўзаро му-носабатларда инсонийликни унутмаслик зарур. Қолаверса, раҳбар ходим фаолиятини жа-моа йиғилишларида муҳока-ма этаётганда ҳолис туриб, унинг шахсига тегмасдан, им-кон қадар далда бўладиган гапларни айтишга ҳаракат қилиши лозим.

Мактабда барча ўқитувчи-лар ўз фикрини эркин баён этиш, саволга жавоб олиш имконига эга бўлмаса, орқа-варотдан гап-сўзлар, жамоада

ҳокама этилиб, синовдан ўтказилади. Изланувчан хо-димлар директор жамғармаси маблаглари эвазига қўшимча рағбатлантирилади, энг мақ-бул ишлар қўлланма сифати-да чоп этилиб, туман микё-сида оммалаштиришга тасвия қилинади. Бундан руҳланган ўқитувчиларимиз илмий-ижо-дий рақобатга киришиб, шу йўналишда ўз имкониятлар-ни кенгроқ намоён этишга интилмоқда.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири**

Тахририятдан: Аслида, умумтаълим муассаса-ларида таълим-тарбия жараёнини сифатли таш-кил этиш жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, ўз ичига бир неча ўнлаб йўналишларни қамраб олади. Уларнинг ҳар бири алоҳида мавзу. Шу боис газе-тамизда таълим муассасаларида ишни оқилона йўлга қўйиш борасидаги илғор тажрибаларни мун-тазам ёритиб боришни режалаштирдик. Кўп йил-лик малакага эга, замонавий бошқарув илмидан бохабар ва ундан ўз фаолиятида самарали фойда-ланиб юқори натижаларга эришадиган мактаб ди-ректорлари ҳамда мутахассисларнинг фикр-муло-ҳазаларини кутиб қоламиз.



Андижон давлат тиббиёт институтида «Келажак овози — 2012» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Андижон вилоятида жорий йилда мазкур танловда 10 мингдан зиёд йигит-қиз иштирок этиш истагини билдирди. «Келажак овози» танловининг вилоят босқичида 500га яқин ёш иқтидор соҳиби архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика номинациялари бўйича ўз иқтидорини синовдан ўтказди. Якунда мутахассислар ва кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган лойиҳа ва ижодий ишлар муаллифлари — 45 нафар йигит-қиз ғолиб деб топилиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

Тадбирда ғолибларнинг ишланма ва ижодий ишлари кўргазмаси, бир қатор лойиҳа ва ишланмаларнинг тақдироти ўтказилди.

Кўрик-танлов доирасида Андижон давлат университети, Андижон машинасозлик, тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги институтлари ахборот-ресурс марказларида «Келажак овози» ахборот хоналари ташкил этилди.

Бухорода Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишлаб концерт дастури бўлиб ўтди.

Вилоят марказидаги санъат коллежида ўтган ушбу тадбир Япониянинг юртимиздаги элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва сўнати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда япониялик таниқли санъаткорларнинг турли мусика асбоблари жўрлигидаги юксак ижроси бухороликларни ўзига мафтун этди. Айни пайтда Бухоро санъат коллежи ижодий жамоаси ҳам ўзбек миллий кўшиқларини японияликлар эътиборига ҳавола этди. Концерт дастуридан ўрин олган бастакор Гакужиндзан Хасимото ижодига мансуб «2011 йил 11 март» асарининг бухоролик санъаткорлар япон соҳнадалари билан биргаликдаги юксак ижроси мазкур дастурнинг авж нуқтаси бўлди.

Тошкентда «Спорт кино ва телевидениеда» VII Халқаро саралаш фестивали аяунланди.

Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро саралаш фестивалига мамлакатимиздан ташқари дунёнинг йигирмага яқин давлати ижодкорларининг олтидан зиёд ҳужжатли ва телевизион фильмлари, репортаж ва очерклар, ижтимоий роликлар тақдим этилди. Улар орасидан танлаб олинган ўттиз асар фестивалда намойиш қилинди.

«Ўзбектефильм» давлат унитар корхонаси кинооператори Анвар Авазхўжаевнинг уч қарра Олимпия ўйинлари ғолиби Артур Таймазов ҳақидаги «Ғалаба сари йўл» фильми «Олимпия ўйинлари — олимпия руҳи» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Фестивалда Франция ва Италия ижодкорлари томонидан тақдим этилган ҳужжатли фильмлар «Энг яхши хорижий фильм» номинацияси ғолиби бўлди.

Халқаро саралаш фестивалида ғолиб чиққан ҳужжатли фильмлар жорий йилнинг декабрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида ўтайдиган XXX Бутунжаҳон «Sport movies & TV» фестивалида намойиш этилади.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Нашр каталоглари Веб-сайтга

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 2013 йилги обуна бошланиши муносабати билан «Матбуот тарқатиш сифатини такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан матбуот тарқатишни яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, муштариолар эҳтиёжини тўлиқ қондириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Даврий нашрларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш муҳим вазифа бўлгани сабабли сўнгги йилларда жамият автопарки 248та янги автоулов

ҳамда 4та «Isuzu» автобуси билан таъминланди ҳамда почта-льонларга 2650та велосипед тарқатилди.

— Бугунги кунда почта жўнатмалари ва даврий нашрларни тарқатишда 174та туман, шаҳар почта тармоғи, 2986та почта алоқа бўлимларидан иборат 14та ҳудудий филиал ҳамда ихтисослаштирилган «Халқаро почта» филиали фаолият юритмоқда.

Obuna — 2012

2013 йил учун обуна жараёни аллақачон бошлаб юборилган. Обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида жамиятнинг веб-сайтида обуна каталогининг электрон нусхаси жойлаштирилди. Эндиликда обуначилар бу сайтда ўзларини қизиқтирган даврий нашр ва унинг нархлари билан танишишлари мумкин, — дейди «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бошлиғи ўринбосари Хатира Тожибоева.

Моҳичехра ЛАТИПОВА

Марҳаматга янги мактаб

Марҳамат тумани Хасанмерган қишлоғида жойлашган 3-умумтаълим мактабига янги ўқув йили арафасида қуриш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бор-йўғи 80 ўринли ушбу мактаб эски дала шийпонини мослаштириш ҳисобига қурилган бўлиб, тор хоналарда ўқувчилар икки сменада ўқишар эди.

Янги ўқув йилидан бошлаб мактаб 96 ўринли қўшимча бинога эга бўлди. Ушбу ишларга 254 миллион 119 минг сўм маблағ сарфланди.

Қишлоқнинг кўркига кўрк қўшиб турган янги мактаб биноси замонавий жиҳозлар билан таъминланган ҳолда болажонларни қарши олди. Айниқса, бу йил 1-синфга қабул қилинган 30 нафар ўқувчининг қувончи чексиз. Улар илк сабоқ — «Мустақиллик дарси»ни янги синф хоналарида бошлашди.

Абдурахим БОЗОРБОВЕВ,
Марҳамат туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими масъул ходими

Ўқувчиларнинг сеvimли маскани

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 268-мактабга янги ўқув йилида илк қадам қўйган 100 нафардан зиёд бола биринчи кўнғирок ҳаяжонларидан сўнг катта қизиқиш билан машғулотларни бошлаб юборди.

— Албатта, мактабга илк қадам қўйган боланинг ҳақиқий ўқувчига айланишида, бу масканга кўникиб, мослашиб кетишида ўқитувчининг ўрни беқиёс, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Махсума Мирзаева. — Бошланғич синф ўқувчиларининг пухта билим олиши учун энг тажрибали ўқитувчилар бириктирилган. Педагогларимиз бой тажрибага таяниб, болаларнинг мактабни сеvimли маскан сифатида қабул қилишига яқиндан кўмаклашадилар.

Илм масканида таълим-тарбия ишларига, ўқувчиларнинг маънавий билимларини ривожлантиришга, ота-оналар билан ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

А.ХАЙДАРОВ олган сурат.



Диққат, кўрик-танлов!

“ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБИ”

2012 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги «ART FLEX» наشريёти тахририяти билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллик санасига бағишлаб республикамизда фаолият юритаётган наشريётлар ўртасида 2011 йилнинг сентябрийдан 2012 йилнинг биринчи ярмигача бўлган вақт мобайнида нашр этилган, мазмун-мундарижаси, матбаа ижроси борасида энг яхши китобларни аниқлаш, илгор наشريётлар ижодий жамоаларини рағбатлантириш ҳамда юртимизда матбаачилик, ноширлик соҳасида эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб қилиш, соҳани янада ривожлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши китоби» IV Республика кўрик-танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилишини эълон қилади:

1. «Ижтимоий-сиёсий адабиёт»;
2. «Ватан тарихи»;
3. «Ўзбекистон мумтоз адабиёти»;
4. «Болалар ва ўсмирлар адабиёти»;
5. «АРТ китоб».

Танловга қўйилган нашрнинг куйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади:

- маъно-мазмун, илмий-маърифий жиҳатдан тайёрланиш даражаси;
- тахририй-ноширлик даражаси;
- дизайннинг оригинал ечими ва бадиий ечимларининг мазмуни;
- ўқувчилар доирасига ҳамда китоб мақсадларига мувофиқлиги;
- матбаа ижросининг сифати;
- нашрнинг оммабоплиги ва ижтимоий аҳамияти.

Наشريётлар ушбу кўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бирданга бир неча номдаги китоб машғулотлари билан иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган нашрлар 2012 йилнинг 20 сентябрийгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ташкилий қўмита томонидан 2012 йил октябрь ойида бўлиб ўтайдиган «O'ZBEKINPRINT» ва «O'ZUPACK» XIV халқаро кўргазмаси ҳамда «Ўзбекистон матбуоти» II Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотланиб, уларга танловнинг махсус дипломлари тантанали равишда топширилади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан куйидаги манзил бўйича: Тошкент-100129, Навоий кўчаси, 30-уй, «ART FLEX» наشريётга юборилсин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 244-13-65, 244-95-20.

Qaror va ijro

Юртимиз таълим тизимининг асосий ютуғи ўрта махсус, касб-хунар таълимининг жорий этилиши ва бунинг натижасида ҳар бир ёш авлод ўрта маълумот билан бирга, бир неча касб-хунарни эгаллаётгани десак, асло муболага бўлмайди. Қувонарлиси эса ўқувчи-ёшларнинг тақдирига дахлдорлик ҳисси борган сари чуқурроқ англаймоқда: олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги ўқув жараёнининг сифати ва самарали олиб борилишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Юртбошимизнинг жорий йил 28 майда қабул қилинган «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридида касб-хунар коллежларини хорижий

вий усулларига таянган ҳолда ўтиш, янги ўқув режа ва дас-турларни яратиш, ўқув жараёнида электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдиротларидан фойдаланиш ҳам долзарб вазифалар сирасига киради. — дейди Ўзбекистонда давлат жаҳон тиллари университети академик лицей ва касб-хунар кол-

тури орқали педагог ходимлар малакаси оширилаёпти, уларнинг ўз устида мустақил ишлашига шароит яратилаёпти. Яна бир эътиборли жиҳат, www.ta'lim.uz сайтига 4 босқичдан иборат «Инглиз тилини ўрганиш курси» мажмуаси ва бошқа ўқув-услубий материаллар киритилган бўлиб, улардан нафақат бизга бириктирилган таълим муассасалари, балки барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фойдаланса бўлади. Ҳамкор таълим муассасаларига «Педагогика ва психология» кафедраси томонидан тайёрланган «Психологик хизмат» ҳақидаги маълумотларнинг электрон вариантлари тарқатилган. Эътиборли томони, жамоамиз ўқув қўлланмаларини етказиб бериш билан чекланиб қолма-япти. Олий ўқув юрти тажри-

қаратилаётир, бунинг учун улар университетда ўтказилаётган илмий конференциялар, семинар-тренинглар, лингвистик анжуманларга тақлиф этилмоқда. Коллежларда доимий фаолият олиб борувчи семинарлар йўлга қўйилди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси Пўлат Омонов яқинда Фарғона ижтимоий иқтисодиёт коллежида «Ўқув адабиётларининг янги авлоди — электрон дарсликлари яратиш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш» мавзусида семинар ташкил этди. Семинарда ўқув режасидаги фанлар бўйича ўқув-методик таъминотни таҳлил қилиш, фан машғулотларини инновацион ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Яратилаётган ўқув адаби-

лари малакасини оширишда. Галдаги мақсад эса қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, такомиллаштиришдир.

Ҳамкорликнинг чуқур олиб борилиши замирида ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилиятига мос касбларни танлаш ва шу му-тахассисликнинг етук билимдон бўлишига кўмаклашиш мақсади ётгани эътиборли.

— Замон талабларига жавоб берадиган, интеллектуал билимли, юксак салоҳиятли авлодни камол топтириш долзарб вазифа, — дейди Ўзбекистон жавлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Сайёра Ҳамидова. — Бунинг учун бугунги кун педагоги тараққиёт би-

ЎҚУВЧИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

бунга олий таълим муассасалари ҳам масъул

тиллардан дарс берувчи малакали му-тахассислар билан таъминлашга етарлича эътибор берилмаётганлиги таъкидланган эди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида эса бир қатор чора-тадбирлар билан бирга, олий ўқув юр-тларининг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан доимий фаолият юритадиган семинарлар ташкил этиш вазифаси ҳам белгиланган эди. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли олий таълим муассасалари томонидан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш савияси ва сифати назоратга олиниши, битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги билан бир қаторда уларнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тилларни эгаллашлари, педагогик амалиётни коллеж ва лицейларда ўташига эътибор қаратилиши кўрсатилган. Бу каби омилларнинг барчаси олий таълим муассасалари билан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда, ҳам-жихатликнинг янги қирраларини очмоқда.

Хўш, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини қандай йўлга қўйган? Қайси йўналишларда иш олиб борилаётир? Университет малака ошириш курсларида педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, уларнинг хорижий тиллардан дарс бериш бўйича педагогик маҳоратини ошириш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Қарорда таъкидланганидек, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув жараёни юқори даражада ташкил этиш, дарс ва машғулотларни ўқитишнинг ноанъана-

лежлари билан ишлаш бўйича проректори Темир Олтиев. Бу каби вазифалар ижросида замонавий илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, интернет маълумотларидан таълим жараёнида кенг фойдаланиш учун хорижий тилларни пухта билиш ҳам тақозо этилади. Шу маънода, университетимизда тил ўрганиш, хорижий тилларни ўзлаштиришнинг замонавий педагогик усул ҳамда технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, қўллаш бўйича эгаланган бой тажрибани таянч, бириктирилган ҳамда ҳамкор академик лицей ва касб-хунар коллежларида жорий этиш, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш масъулиятли бурчимиздир.

Айни пайтда университет қошида 3та академик лицей фаолият олиб боради. Шунингдек, Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармасига тегишли Ўзбекистон тумани иқтисодиёт ва коммунал касб-хунар коллежи, Фурқат тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи каби 16та таълим муассасаси билан алоқалар йўлга қўйилган. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, университетнинг му-тахассислик, рус, инглиз, француз, немис, рус, испан тили, бундан ташқари, Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари, ўзбек тили кафедраларининг 46 нафар профессор-ўқитувчилари ушбу жараёнга жалб этилган бўлиб, уларнинг 27 нафари академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўриндошлик ёки соатбай асосида ўқув машғулотларини олиб боришади.

— Университет қошидаги академик лицейларда 3та кафедра филиаллари ташкил этилган, — дейди академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Давлат Матёкубов. — «Масофавий таълим» дас-



бали ўқитувчилари қўллаётган илгор педагогик технологияларни оммалаштириш мақсадида академик лицей ўқитувчилари очик дарсларга жалб этилмоқда. Университет профессор-ўқитувчилари томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг ўқув машғулотлари сифатини ўрганиш мақсадида улар дарс таҳлилларида иштирок этишмаяпти. Зарур ўринларда «Устоз — шогирд» тизими бўйича таълим муассасалари ўқитувчилари малакали педагогларга бириктирилмоқда.

Таълим самарадорлиги ўқув-услубий таъминот ва ахборот-ресурс маркази фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода, IELTE гуруҳи ўқитувчиларининг бта очик дарслари электрон шаклда академик лицей ўқитувчиларига тақдим этилгани, университет профессор-ўқитувчилари томонидан улар учун 23 номда ўқув адабиётлари яратилгани, 500та луғат академик лицейлар ахборот-ресурс марказига берилгани айни муддаодир.

Илмий анжуман педагог ходимни чархлайди, билим ва тажрибасини бойитади. Айни кунда лицей ва коллеж педагогларининг илмий салоҳиятини оширишга ҳам эътибор

ётлари билан қизиқар эканмиз, Т.Сатторов, К.Набиева, Н.Қамбаровнинг «Инглиз тили», М.Дадахўжаеванин «Немис тили», Д.Ерматова ва бошқаларнинг «Саноат экологияси» каби қўлаб дарсликларининг дарс жараёнида самарали қўлланилаётгани гувоҳи бўлдик. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, шунингдек, университетда олиб борилаётган илмий изланишларга касб-хунар коллежлари ва академик лицей педагог ходимларининг жалб этилаётгани ҳам аҳамиятли, албатта.

— Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус сўровномалар ўтказиб, интеллектуал салоҳияти юқори, илмий изланишга рағбати кучли педагогларнинг илмий жараёндаги иштирокини таъминламоқдамиз, — дея сўзида давом этади Темир Олтиев. — Аслини олганда, касб-хунар коллежлари ва академик лицей педагогларига ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш бир зум тўхтаб қолгани йўқ. Университетимизнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўлимида режа асосида Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог-

лан ҳамқадам бўлиши, энг мақбул педагогик усул ва замонавий технологияларни ўзлаштириб дарсга жорий этиб бориши керак. Бу жараёнда бизга Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети бевосита ёрдам бериб келмоқда. Лицей ўқитувчилари ўқув-услубий материаллари, ўқув адабиётлари, уларнинг электрон вариантларини ҳеч қийинчиликсиз олишади. Университет ахборот-ресурс маркази эшиклари ҳам биз учун доимо очик.

Кенг қўллашни ишлар лицей ва коллеж ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва бу орқали ўқувчиларнинг мустақил фикрли, илмий салоҳиятли бўлиб етишишига ҳисса қўшишга йўналтирилган. Ўтган давр мобайнида бу борада олий таълим муассасаси зиммасидаги масъулият аниқ белгиланди, олий ўқув юрти ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳамкорлиги механизми яратилди. Бу эса коллеж битирувчиларининг меҳнат бозорига рақобатбардош кадр бўлиб кириб бориши ҳамда олий таълим муассасаси талабаларининг интеллектуал салоҳияти ортиб боришига хизмат қилади.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚУВЧИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАСИН

Маълумки, дарс жараёнида тушунтирилаётган янги мавзу материалининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражаси ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Педагог ўз фанини илмий асосда кенг ва чуқур билиши, ўқитиш услуби, кўргазмалар курул, техник воситалардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиши жоиз.

Метод танлаш нафақат ўқув мақсади, балки ўқув материали мазмуни ва фанининг мураккаблигига боғлиқ. Бундан ташқари, методларни танлашда ўқувчиларнинг сони, имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароит ҳам инобатга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Гуруҳдаги ўқувчилар сони нисбатан камроқ бўлса, энг фаол усулдан фойдаланиб, ўқитишни жадал суръатда олиб бориш мумкин. Агар ўқувчилар кўп бўлса, фаол усуллардан фойдаланган ҳолда уларнинг ҳар бирига етарли эътибор бериш учун вақт етиши амри маҳол.

Ўрта махсус, касб-хунари таълими тизимида ўқитиладиган математика фанининг айрим мавзуларини ўғил-қизлар мактабдаги математика дарсларида ўрганиб келишди, бу мавзуларни такрор ўқиш эса ўқувчиларни зериктириши мумкин. Бунинг олдини олиш учун ўқитиш усуллари тўғри танлаб олиш зарур. Масалан, «Бумеранг» усули танқидий ва мантиқий фикрлашни шакллантиришга имконият яратди, хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Мазкур усулда вазифалар гуруҳлар-

га мустақил ўрганиш учун берилади. Масалан, «Алгебра ва математик анализ асослари» дарслигининг VI боби — «Алгебрик тенгламалар ва тенгсизликлар»га тегишли тўртта параграф мустақил ўрганиш учун уйга вазифа қилиб берилади. Сабаби, бу мавзулар мактабда ҳам ўрганилган. Келгуси дарсда аудиторияда гуруҳлар ташкил этилади ва ўқувчиларга вазифа бўйича топшириқлар берилади. Мавзунинг мустақил ўқиш, ўрганиб чиқиши учун вақт ажратилади, машғулоти «Б.Б.Б.» усулида олиб борилади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўрганган мавзусини бошқа гуруҳ аъзоларига мисоллари билан тушунтириб беради. Аудиториядаги ҳар бир ўқувчи берилган вазифани мустақил равишда ўқиш ўрганади, дарслик билан ишлайди. Ҳар бир гуруҳ ўзига топширилган топшириқ бўйича тақдимот қилиб, мисолларни тушунтиради ва ўз фикрини билдиради. Ўқитувчи томонидан ўқувчилар баҳоланади, муаммолар мисоллар ечилади, мавзу тўлдирилади ва якунланади.

«Б.Б.Б.» (Биламан. Билишни хоҳлайман. Билдим.) усули машғулоти даврида ўқувчининг материални чуқур ўрганиши, тушуниб етиши, эркин фикрлашига йўл очади. Қолаверса, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраган ҳолда турли мазмун ва характерга эга мавзуларни ўрганишда ҳам асқотади.

Дарсликдаги «Тригонометрик функциялар» бўлими бўйича такрорлаш дарсида бу усулдан фойдаланиш мумкин. Бунда тригонометрия бўлимидаги параграфларни умумлаштириб,

Sinab ko'ring

мавзуларга бўламиз ва жадвалга кетма-кетликни сақлаган ҳолда тартиб билан ёзиб чиқамиз. Ўқувчилар бу мавзуларни қай да-

ражада ўзлаштирганини аниқлаш мақсадида биламан, билишни хоҳлайман, билдим сўзларини ёзамиз.

Ҳар бир мавзу бўйича ўқувчиларнинг билиши ва билмаслиги сўралади, умумий сони жадвалга ёзиб борилади ёки ўқувчиларга

№	Мавзулар	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Сонли аргументнинг тригонометрик функциялари			
2.	Синус ва косинус функцияларнинг хоссалари			
3.	Тангенс ва котангенс функцияларнинг хоссалари			
4.	Тригонометрик функцияларнинг графиклари			
5.	Қўшиш формулалари			
6.	Келтириш формулалари			
7.	Иккиланган ва учланган аргументнинг тригонометрик функциялари			
8.	Ярим аргументнинг тригонометрик функциялари			
9.	Тригонометрик функциялар йиғиндисини кўпайтмага ва кўпайтмани йиғиндига айланттириш			
10.	$\sin \alpha = m$ кўринишидаги тенглама			
11.	$\cos \alpha = m$ кўринишидаги тенглама			
12.	$\operatorname{tg} \alpha = m$ кўринишидаги тенглама			
13.	$\operatorname{ctg} \alpha = m$ кўринишидаги тенглама			
14.	Тенгламаларни ечишнинг асосий усуллари			
15.	Тригонометрик тенгсизликларни ечиш			
16.	Тесқари тригонометрик функциялар ва уларнинг асосий хоссалари			
17.	Тесқари тригонометрик функциялар қатнашган тенгламалар ва тенгсизликлар			

шу жадвал тарқатма материал каби кичик қоғозга ёзиб тарқатилади. Ўқувчиларнинг жадвални тўлдириши орқали мавзуларнинг қандай даражада ўзлаштирилгани аниқ кўринади. Ўқитувчи олган натижаларга қараб ўзлаштирилиши паст мавзунини қайта тушунтириш ва мавзу бўйича мисол ва масалалар ечиш, тўлдириш имкониятига эга бўлади.

Ҳар бир ўқувчи машғулоти давомида керакли бални тўглаб боради. Мазкур усул тарбиявий характердаги қатор вазифаларни ҳам амалга ошириш имконини беради, саволни шакллантиришга ўргатади, ўқувчиларнинг билим олишини кучайтиради.

Янги педагогик технологияларни қўллаш ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини тубдан қайта қуриш, улар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, устоз-шогирдлик муносабатларини қарор топтиришни тақозо этади.

Бугунги ўқитувчи моҳиятан ўқувчига илмий билимлар ҳосил қилишнинг оson ва қулай усуллари ўргатувчи, илм олишга рағбатлантирувчи, билимларни оддийликдан мураккабликка томон ривожлантириб боришни таъминловчи устоздир.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчилар дарсда қанчалик фаол иштирок этишса ва эркин фикрлашса, шунча кўпроқ билимга эга бўлади. Дарсни бу тарзда ташкил этиб, юқори самарага эришиш, шубҳасиз, ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ. Шу боис ўқитувчи ўз фаолиятининг моҳиятига кўра ижодкор, якунига кўра санъаткор бўлмоғи лозим.

К.ЖАКАЕВА,
Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси,
Г.АЙМУРЗАЕВА,
ҚДУ талабаси

Жиззах шаҳар халқ таълими муассасалари ходимлари орасида шундай гап юради: ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни «Камалак»дан ўрганинг! Албатта, бу ибора бежиз пайдо бўлмаган. 32-мактабгача таълим муассасаси ҳовлисида кирган кишининг бахри дили очилади.

Дарахтлар соясида машғулоти ўтказиладиган кичкинтойлар табиат бағрида ўзларини эркин, тетик ҳис этишяпти. Ўғил болалар белкуррак билан гуллар тагини юмшатмоқда. Жажжи қизалоқлар ҳазонларни тозалаш ҳаракатида. Ҳовлидаги бири-бирдан бежирим қуш ва жониворларнинг ҳайкалчапарли манзарани янада жонлантираётгандек гўё. Машғулоти ўтказиладиган айвончалар тарбияланувчилар ёши ва қизиқишига қараб эртак қахрамонлари, гул ва жониворлар расми билан безатилган.

— Табиат қўйнида машғулоти ўтказишнинг аҳамияти катта, — дейди 32-МТМ услубчиси С.Самандарова.

БЕЖИЗ АЙТИЛМАГАН ГАП

— Болажонлар тоза ҳавода мириқиб дам олади, қуёш нурида тобланади. Гуллар ва дарахтларга ишлов бериш орқали ўсимлик дунёсига меҳр, меҳнатга ҳавас, кўникма пайдо бўлади. Турли ўйинлар, кум

ва сув ёрдамида ўтказиладиган машғулотлар болаларнинг ҳам жисмонан, ҳам аклан ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ҳовлида мевали дарахтлар сероб. Бир қарич бўш ер йўқ. Хитой ва Япония каби хорижий мамлакатлардан келтирилган ноёб гулларни ҳам учратасиз. Шафтоли, олма, нок дарахтлари ҳосилга кирган. Мевалардан тайёрланган шарбатни тарбияланувчилар, айниқса, хуш кўра-

ди. Ноз-неъматларнинг бир қисми қишга гамланмоқда.

Муассасада болалар эркин машғулотлар олиб бориши учун ўн та марказ фаолияти йўлга қўйилган. Табиат бурчаги, касб танлаш, расм

чиқиш, ҳисоб ўрганиш каби йўналишлардаги тўғарақлар кичкинтойларни ўзига кўпроқ жалб этаётди.

— Қизим Маржона уйга келиши билан қоғоз-қалам олиб, расм чиқишга киришади, — дейди Гулнора Раҳмонбердиева. — Боғча ораси берган топшириққа қараб, табиат манзаралари, гуллар, капалак ва қушларнинг сувратини ишлашда кўмаклашаман. Яқинда Маржо-

на «Онам ва мен» мавзусидаги танловда ғолиб бўлди.

Боғчада ташкил этилаётган спорт мусобақалари ҳам болажонларнинг жисмонан чиникишида катта роль ўйнаётганидан ота-оналар мамнун.

Муассаса мудираси, халқ таълими аълочиси Раёно Холиқованинг айтишича, 240 ўринга мўъжааланган боғча «Хаёт хавфсизлиги асослари» йўналишида шаҳарда таянч марказ ҳисобланади. Шу муносабат билан муассасада айни мавзудаги семинар ва очик машғулотларни ўтказиш анъанага айланган.

Масканда қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етган. Хоналарни иситиш мақсадида бир неча қозонхона ўрнатилди. Бундай шарт-шароитлар натижасида фарзандини айнан шу мактабгача таълим муассасасига беришни истовчи ота-оналар тобора кўпаймоқда.

Абдусаттор СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Дунёда ҳамма нарсанинг, ҳатто кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмас тушунча ва наъматларнинг ҳам таянч нуқтаси, таъбир жоиз бўлса, суяб турғувчи устунлари бўлади. Жумладан, инсон етуклигининг қайси-дир маънодаги баҳоси саналган камолотга ҳам ўз-ўзидан эришилмайди. Ижроси билан кўнгилларни жун-бушга келтирган мусиқачи, амалиётга татбиқ этилган лойиҳаси боис юрт тараққиётига ҳисса қўшган ёш муҳандис, яратган нави ҳосилдорликни бир неча баваравар оширган ёшларимизга барча бирдек ҳавас билан боқадим. Лекин уларнинг бу даражага етгунларига қадар кимларнингдир ўзларидан-да кўпроқ жон куйдириб, керак бўлса, ҳаловати, орзу-ҳавасларидан кечмоққа тўғри келганини ҳам унутмас.

Назаримда, касбий камолот ҳақида гап кетар экан, сўзни ана шундан — ота-оналик, мураббийлик, кўни-қўшиллик, маҳаллага оқсоқоллик қилишдек вазифаларни зиммасига олганларнинг масъулиятни нечоғлик англаб, иш кўрганларидан бошламоқ керак. Шулар ҳақида ўйлаганимда, бир воқеа ҳаёлимда жонланаверади: катта саҳна, элга анчайин танилиб қолган хушовоз йигит илк бора яхкашон дастурини намойиш этар, саҳнанинг биринчи қаторида ўтирган онаси эса унинг қўшиқларини йиғлаб тингларди. Менимча, ана шу ҳолатнинг ўзи навқирон санъаткор халқ олдида чиққунигача қандайдан-қандай машаққатлар чекилган, бугун эришилган камолотнинг забардаст устунларидан бири бўла олмак бу мунис аёлга осон кечмаганини далиллаб турарди. Бу гал ана шулар хусусида суҳбатлашмоқни ният қилиб, фалсафа фанлари доктори, «Қадимги Шарқ психологларининг қарашлари», «Психологиядан тест саволлари», «Балки ноёб одамдирсиз?» сингари рисоалар муаллифи Фарҳод Абдурахмонов билан мулоқот уюштирдик.

— Биз кўпинча «Меҳнат» ва «англаб қилинадиган меҳнат» тушунчаларига етарлича аҳамият бермаймиз, назаримда. Бундай дейишимга сабаб, одамзод ота-оналик бахтига муюссар бўлибдики, болам деб елиб-югуради. Лекин бу жонқуяриклар ҳар доим ҳам қутилган мақсад сари етаклайвермайди. Шу нуқтаи назардан ўғил-қизининг иқтидори, имконият ва қизиқишларига монанд тўғри касб танлаб, келажакда жамиятда муносиб ўрнини топиши йўлида ота-онанинг «англаб қилинажак меҳнат»и қандай йўналтирилгани мақсадга мувофиқ? Суҳбатимизни шу борадаги мулоҳазаларингиз билан бошласак...

— Албатта, оилада она маълум психологик билимга эга бўлиши шарт. Бу илмни балоғат остонасида турган ёшлар, хусусан, қизларимиз, албатта, эгаллаши жоиз. Агар бу мақсадга эришилмаган бўлса, бола атак-чечак қилиб ўзича нималарнидир қизиби, бузиб ўйнай бошлаган, чулдираб дунёни ўзича тушуна бошлаган чоғида психолог ҳузурига етаклаб бормоқ керак. Шундагина сиз юқорида тилга олганингиздек, «англаб қилинадиган меҳнат» сари қадам ташланади. Масалан, боладаги яширин иқтидорни аниқлаш учун унга, оддийгина «Булут нега осмонда турибди?» деган савол билан мурожаат қилиш мумкин. Шунда базилари елкасини қисми, айримлари йиғлаши, шундайлари борки, ҳайрон бўлиб онасининг этакига ёпишиши кузатилади. Ўйга толганча «Куёшининг, Ойнинг, булутнинг макони осмон...» каби мазмундаги жавобларни берувчи кичкинтойлар бўладики, уларнинг фикрлай бошлагани нихоятда қадрлашга муносиб. Лекин юқорида тилга олганимиз — йиғлаган, елка қиссаларининг ҳолати ҳам ҳафсаламизни пир қилмаслиги, аксинча, келажакда улар билан қандай ишлашимизга асос бўлиб хизмат қили-

ўша «ноёб» тухфангизни бузмайди ҳам, тузмайди ҳам. Аксинча, кичкинтойнинг мана шу ўринишида ота-она, агар улар психологик илм, тушунчага эга бўлишса, келажакда ким бўлишини кўра олиши керак. У шу тарзда, эҳтимол, илк бор фикрлаётгандир? Ўз-ўзича «Бу машина қандай ҳаракатланяпти?» деган саволга жавоб излаётгандир? Яхшиси, шундай кезларда унинг ёнида ўтириб бир лаҳза болага айлана олмакқа уриниб кўринг. Яна бир масалага ҳурматли газетхонларимизнинг эътибор қаратмоқларини сўрайим: бола-жон қушни «суйиб» бизнинг наздимизда жониворларга азоб бераяпти. Бундай ҳолатларга биз ана шундай кўз билан қарашга ўрганиб қолганмиз. Жавоб битта: бола жоҳил! Йўқ, ҳулоса чиқаришдан олдин кенгроқ муҳофада юритиб, кичкинтойнинг истикболлини ана шу «жоҳиллик»дан излаш керак. Ҳақиқатан ҳам, у шаклсиз инсон бўлиб воқеа етиши мумкин, қачонки атрофдагилар унга юқоридаги каби баҳони бериб, меҳрсиз одам каби муомалада

дан келавермайди. Бу ҳам — ҳунар.

Меҳр ҳамиша қаҳрни синдириш қудратига эга бўлган. Шундай экан, «дийдаси каттиқ» аталган болани ёнига олиб, мавжудотлар дунёси ҳақидаги маълумотларни китоблар, суратлар, сайрлар орқали ўрганиш мумкинлигини ўқитиш орқали уни табиатга одилонга муносабатда бўлишга ундаш, бунга амалда кўрсатиш ҳам ота-онанинг бурчи!

— «Талантнинг тўксон тўққиз фоизи меҳнат» деган нақл борки, бу ибора ҳаётда қайта ва қайта тасдиғини топаётми. Шу ўринда касб-корга мойилликнинг авлоддан-авлодга ўтиши касбий камолот масаласига нечоғлик елка туталади?

— Халқимиз орасида ўз ҳунари билан танилган сандиксоз, бешиксоз, созгарлар етишиб чиққан шундай сулолалар вақиллари бугун ота-боболари касбини давом эттириб келмоқда. Бу далил бизнинг касбий камолот ирсиятга дахлдор, деган ҳуло-

Ruhiyat olami

надиган бўлсак, у дунёга келиб қолган ана шу касбини эгаллаш устида «иш бошлаган». Кўрган, ўрганган, идрок этиб, сир-синоатларидан огоҳ бўлган... Лекин манаман деган уста ҳам чин юракдан муҳаббат қўйиб, катта меҳнатни зиммасига олмаган авлодига маҳоратини «ҳадя» этолмайди. Узоққа бормайлик, мана, бизнинг оиламиз: турмуш ўртоғим ҳам психология фанлари номзоди. Ота-оналаримиз ҳам ижтимоий фанлар билан шуғулланишган. Уйимизда шу фаннинг тараққиётига хизмат қилувчи бой кутубхона бор. Суҳбатларимиз мавзуси ҳам асосан шу соҳадаги муаммолар ечимни доирасида кечади. Биз ўғлимизнинг изимиздан боришини орзу қилгандик, имкон қадар йўналтирдик, қизиқтиришга ҳаракат қилдик. Аммо у бошқа соҳани танлади — шифокор бўлишни ният қилди. Қаршилиқ қилишимиз уни синдиришдан бошқа нарсаси эмаслигини тушунганимиз боис ҳам фарзандимизга чин юракдан оқ йўл тиладик!

— Баъзан кўнгилда атрофда рўй бераётган айрим воқеа-ҳодисаларга нисбатан норозилик пайдо бўладики, агар бу ўз «мен»ини кўрсатишга уринаётган ўспиринлик даврига тўғри келса, нихоятда но-зик ҳолатдир. Дейлик, ундан пастроқ билимга эга тенгдошининг муваффақиятга эришиб, унинг омади чопмаслиги, дўстининг хиёнат... Юракда туғилган туғён уни тушунлиқ гирдобига улоқтириши, ҳамма-ҳамма нарсадан, ҳатто ҳаётдан ҳафсаласини пир қилиши мумкин. Шундай бир қалтис вазиятда қандай йўл тутмоқ жоиз?


— Инсон ҳаётни севиши керак. Унинг атрофга ишончсизлик билан қарашини фожеа деб биламан. Чунки ишонч, умид, хушайфият — бу руҳиятнинг қуввати. Руҳиятнинг заиф торта бошлаши эса, ҳатто вужуднинг саломатлигига салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. «Гуруч курмаскиз бўлмайди» деганларидек, ҳаётда ҳамма нарса бўлиши, биз суянгувчи ҳақиқатнинг боши ҳар доим баланд бўлавермаслиги мумкин. Шундай нозик бир жараёнда ота-она фарзандининг ҳақиқий дўсти сифатида йўл тутиши шарт. Фарзанд ота-онасига ҳамма гапини айта олмалиги мумкин, лекин сирдош дўстига албатта «ёрилади». Кўпни кўрган ота-она эса кўчадаги дўстидан ақлироқ, тўғрироқ йўл кўрсатиши, ҳақиқий маънодаги тиргак бўлиши ҳам ҳақиқат! Оиланинг иссиқ тафти, қўпчилиikka кераклигини хис этиб туриш, кўп нарсаларга қодирлигини англаш юз бериши мумкин бўлган қатор кўнгилсизликларни бартараф эта олади, кишини камолот томон етаклайверади.

Ойбуви ОЧИЛОВА

КАСБИЙ КАМОЛОТ

қандай устунларга таянади?

2-суҳбат



ши, қайсидир маънода бизга йўналиш бера олиши керак. Масалан, фикрлай бошлаган фарзандимиз билан янада чуқурроқ муҳофада юритадиган, атрофга ҳайрон боқиб турган дилбандимизнинг кўнглида ўзига ишонч туғдириб, дадилликка йўлловчи, тезда кўзига ёш олиб, инжиқланадиганларини эса тенгдошлари билан дўст тутиниб, мулоқотга киришга ундовчи, ўзи-ўзини хурсанд қилишига ёрдам берувчи машғулотлар олиб бориш яхши натижа бериши тажрибаларда исботланган. Айни пайтда бу жараён дастлаб мактабга таълим муассасаларининг тарбиячилари, сўнгра эса, албатта, ўқитувчи ва ота-она ҳамқору ҳаммасламлигида давом эттирилиши керак.

— Боланинг қизиқишлари, иқтидори яқинлари, атрофдагилар томонидан эътиборсиз қабул қилинса ёхуд қаршиликка, бепсандликка дуч келинса, унинг руҳиятига қандай таъсир этади?

— Келинг, саволингизга ҳаётини кузатишларим асосида жавоб қайтарай: дейлик, сиз фарзандингиз учун фалон сўмлик ўйинчоқ машина харид қилдингиз. У бир кун уни авайлаб у ёқдан-бу ёққа суриб юрди, иккинчи кун судради. Учинчи кун эса, ўтириб олиб «операция» қила бошлади. Бундай муносабат сизнинг жаҳлингизни чиқарди ва қўлидан ўйинчоқни олиб олиб бўйи етмайдиган жойга қўйдингиз. Билингизки, болангизга нисбатан катта ноҳақликка изн бердингиз. У «бузиш» орқали яратиш йўлига қадам ташлаётганди. Унинг қизиқишлари сизнинг томонингиздан бепсандликка, қаршиликка учради. Энди у

бўлиши одат тусига айлантиришса. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор, болакай жонзотларни «қатл этиш» орқали унинг тузилишини ўрганишга ўзида иштиёқ сезаётган бўлса-чи? Ота-она дилбандининг бу қизиқишини илғаб, тўғри йўналтира олса, биология, зоология, анатомия фанларини пухта ўзлаштиришга ёрдам бера-са, «жоҳил» кези келиб ажойиб шифокор, биолог бўлиб етишиши, ҳеч гап эмас. Ёки ҳунар сифатида қассоблик санъатини эгаллаши мумкин-ки, тирик молни гўшт ҳолатига келтириб, ҳалол, пок-за, лаҳимини лаҳимга, суяғини суякка ажратиб, хариддор кўринишда расталарга чиқариш ҳам ҳар кимнинг қўли-

сага қилишимизга туртки бўлади. Аммо, бир ҳақиқатни тан олмақ керак, ирсият авлоддан-авлодга истеъдодни «етақлаб» ўтиши мумкин, лекин жуда кам фоизда. Касб ҳам, ҳунар ҳам, билим ҳам «қонида бор» қабилда наслдан-наслга «олиб ўтилмайди», аксинча, меҳнат ва машаққатлар билан эгалланади! Ҳа, биз айтган соз ясовчи устанинг фарзанди, набираси ясаган соз бошқаларникидан бирмунча мукамаллиги рости, реал воқеликка юзла-

Таҳририятдан: мухтарам муштарий, ушбу чиқишимизга дахлдор мактубларингизни кутамиз. Навбатдаги мулоқотимиз ота-она ва фарзандлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат масалалари мавзусига қаратилди.

ЭРТАНГИ КУНГА УМИД ВА ИШОНЧ БИЛАН

2012-yil — Mustahkam oila yili



Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишда. Зеро, ўзаро ишонч, меҳр-муҳаббат асосига қурилган оилаларнинг сафи кенгайиши жамият равнақида муҳим аҳамиятга эга.

Бухоролик Азамат Азизовнинг оиласини ҳар томонлама ибратли, мустаҳкам қўрғонлардан бири дейиш мумкин. А.Азизов Бухоро шаҳридаги 29-мактабда информатика фанидан сабоқ беради. Турмуш ўртоғи Дилдора вилоят перинатал марказида ҳамшира бўлиб ишлайди. Бу ёш оиладаги соғлом муҳит, илмга чанқоқлик фарзандлар тарбиясида ҳам сезилади. Икки ўғлон ҳам келгусида шифокор бўлмоқчи. Фарзандларининг интилишларини муносиб рағбат-лантираётган Азамат ва Дилдоранинг эртанги кунга умиди, ишончи мустаҳкам.

Суратда: Азамат Азизов турмуш ўртоғи Дилдора Азизова фарзандлари Шоҳижаҳон ва Муҳаммадали билан.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Qissadan hissa

Автобугга чиқиб, манзилга шошилди кетяпман. Ҳаво дим. Одамлар тир-банд, кимдир машинанинг юришидан нолиса, кимдир куннинг иссиқлигидан ҳасрат қилади. Кимдир тушиб, кимдир чиқар, йўловчилар кети узилмас эди. Чипта тарқатувчи ёшгина йигит қўли-қўлига тегмай пул йигиб, пул санарди. Наридан, 15-16 ёшлардаги кондукторни кимдир зимдан кузатар, ўз тенгқурлари эса ҳавас билан қарашарди. Анча ҳолдан бери тикка туриб келаётган 45 ёшлардаги аёл чиптачи болага қараб секин деди:

Ахир, бундай қилаверсанг,

одамлар иккинчи марта автобуснингга чиқмайди-ку.

— Бобой, сиз қўйилманг,

— яна ўз гапини маъқулаган-намо овозини баланд қилди кондуктор.

— Ўғлим, ёшингиз нечада бўлса ҳам, тарбиянгизга беш кетмадим,

— деди бошқа бир йўловчи.

— Мен-ку тик туриб келяпман, операция бўлганман, ўтириш мумкин эмас. Акс ҳолда, бошқа уловга ҳам чиқардим, лекин менгача яна қанча ки-

катта ҳаёт тажрибасига эга-сиз. Ётиги билан тушунти-ринг, бу эса ёш бола, ўзингиз айтгандай, ўғлингиз қатори, унга ўргатиш керак, тушун-маса тушунтириш керак.

— Ўғлим, сиз ҳам, сен ҳам бир оғиздан чиқади, ўзингиз чиройли, ақли бола экансиз! Бу кишидан кечирим сўранг, уят, ор, номус ҳалқимизга хос фазилатдир. Сизнинг вазифангиздаги одамнинг тили ширин бўлиши керак. Хизматдаги одам сўзини ҳам, ўзини ҳам, кўзини ҳам асра-ши керак. Ахир, биз XXI асрда яшяпмиз. Бу даврнинг ёшларига биз ҳавас қиламиз!

Сиз болангиздаги иллатларни қўриб ранжийверасиз. Булар — болангизга сиз эмас, сизнинг ўрнингизга кеча ва кўча ўргатган қилиқлар эмасми? Ота сифатида хушёр бўлмагач, натижа бошқача бўлиши мумкинми? Иллатларни йўқотиш ўз қўлингизда эди. Улар энди кун сайин кучайиб, сизга қаттиқроқ озор бера бошлайди. Буларни қон босимингиз ошганида, "тез ёрдам" машинаси келиб кетганда, аёлингиз кўз ёшларини сизга қўрсатмай артаётганини сезганда, эслайсиз.

«Ота-она тарбияламаса, болани кеча ва кундуз тарбиялайди». («Қобуснома»).

УРДА КЎПРИГИ — ТАРБИЯ КЎПРИГИ

Тарбияни кўприкка ўхшатиб кўрайлик. Кўприкнинг ўнг томонидан анҳорга гул ташласангиз, бироздан сўнг сўл томондан қалқиб чиқади. Фикимланган қороз ташласангиз ҳам худди шу ҳол. Кўприкнинг эни 20 кадам чикса, тарбия кўпригиники 20 йил. Демак, сиз болангизга нималарни атайлаб ўргатган, кўрсатган бўлсангиз, 20 йилдан сўнг унинг сўзларида, одатларида, меҳри (ё қаҳрида), хулқида қалқиб чиқади.

Болаимизни яхшилаб боқиб, кийинтирсанг-у, ҳеч нарсани атайлаб тушунтирмасак, кўрсатмасак, ўргатмасак-чи? 20 йил ўтиб, ёнимизда қош-қўзи бизга ўхшаган, лекин биз билан иши бўлмаган, қалби бегона, соғлом,

чиқиб бораёпмиз. Бу ишни тезлаштирувчи энг муҳим шартлардан бири — тарбия эканини унутмайлик. Ёшларни тўғри яшаш, ишлаш ва муваффақият қозонишга тайёрлаш давр талабига айланди. Дунёнинг энг юксак ривожланган давлатлари қандай тарбия орқали бугунги макомга чиқди? Ота-оналар бунда қандай вазифани бажардилар, буни ўрганишимиз керак.

Ота-оналар болаларини бозор иқтисодиётидаги кучли рақобатга тайёрлашди. Болам, сен ўз кучингга, ўз ақлингга, ўз имкониятларингга таяниб яша-шинг керак. Бунинг учун ўз ақл, куч ва имкониятларингни ривожлантиришинг керак деб, бунинг йўлларини ўргатишди, чиниктиришди. Бошқа кишиларга (қариндош-уруғ, таниш-билиш, хатто ота-онага ҳам) таяниш, суяниб яшаш, мансабга эришиш каби иллатлар уларнинг тафаккуриндан супуриб ташланди.

Бу нима берди? Бу — ҳар бир йигит-қизни қарама-қаршилиқ-

Шунга шунчами!? Эртага олим яп-янгисини оборади!" — дейди.

Эртага шиппакчадан соткага, автомобилдан квартирага айланган "меҳрибонлик" душман қила олмайдиган ёмонликларни келтириб чиқаришга қодир. Истаган нарсасини муҳайё этиш билан дадаси Дилнозани бахтсиз қилиб қўйишни мумкин. Чунки Дилнозани ҳали турмуш ўртоғига ҳам "Сан бўлмасанг бошқаси", деб гапиришни ўргатувчи қўшиқлар кутиб турибди.

ОТА «ОТГАНДА»

Отамиз. Бир-биримизга гап, тўйлар қилиб едирамыз. "Ота-миз". Болаимиз уйимизга келган бир уй меҳмонининг олдида: "Дада, бугун ҳам ичиб маст бўласизми?" деб завқ билан сўраса, "Жим бўл", деб ўшқира-ши. "Вой, нега ундай дейсан (ўйлайсан)?" деб ойиси уриша-ди.

"Боланинг онги асосан

ТАРБИЯ — ҲАР КҮНЛИК ИШ

(Отапар билан педагогик суҳбат)

бақувват, яхши боқилган ёш одамни кўрамыз. Уни ёмон фарзанд дейишади. Лекин бу адолатданми? У сизнинг хонадонингизда бешиқда ётган пайти ёмон эдимиз?! Йўқ. У ҳам кўшнинг ўғлидай ажойиб, билимли, спортчи, хушмуомала, давранинг гули бўлиши мумкин эди. Кўшнингиз оддий ўқувчи, 10 йил ҳар кунни, эринмай боласининг ўйларни, орзуларни билан яшади. Уни нималаргадир қизиқтирди, ёрдам берди. Мана энди оёғини узатиб, мазза қилиб фарзанди орқасидан ҳузур-ҳаловат кўраяпти. Кимлардир эса роҳат ўрнига 20 йиллик хатоларини таҳлил қилиш билан овора. Бола ёмон эмас, уни тарбиялай олмаган ота-она бош айбдор, аслида. Хулоса қалбнигизга оғир ботган бўлса, узр.

Агар биз болаларимизни жаҳондаги тенгдошлари билан интеллектуал, маънавий рақобатга тайёрламасак, улар охири бўлиб қоладилар. Шундай бўлиши хоҳлайсизми? «Йўқ», дейдингиз. Демак, кимнинг уйда фарзанд ўсаётган бўлса, унга (спорт тилида айтганда) "бўла-жақ жаҳон чемпиони", деб қаралсин. Унинг ривожланишига барча шароитни яратиш, бир соат ҳам вақтини беҳуда сарфламаслигига эришишимиз керак. Ана шунда, ҳақиқатан ҳам, ҳар бир ўғил-қизимиз ўз иши ва соҳасининг чемпиони бўлади. Биз эса устоз ва мураббий сифатида ҳурмат-иззатда яшаймиз.

МАНЗАРА

Ниманинг яхшилигини билиш учун ниманинг ёмонлигини, нима қилиш кераклигини билиш учун нима қилмаслик кераклигини билиш керак, дейдилар. Энди ана шу тамойл билан айрим манзараларни зимдан кузатсак.

Икки қизча сув бўйида ўйнаб ўтиришди. Шунда бири:

— Вой, шиппакчанг оқиб кетаяпти, Дилноз! — дейди.

Дилноза эса ўрнидан туриб, югуриб бориб, ариқчада секин чиқаришлари зарур. Нега десангиз, биз дунёнинг энг юксак ривожланган давлатлари қаторига

ларга тўла ҳаётнинг курашлар майдонида чиникишга мажбур қилди. Демак, улар ёшликдан ўз келажагини ўз қўллари билан яратишдан бошқа йўл йўқлигини англаб етдилар. Буни кўрган ёшлар ҳеч ким "Ўқи!" демаса ҳам, бор куч ва иродасини сарф қилиб ўқиди. Ҳеч ким "Янгилик ярат!" демаса ҳам, янгилик ярат бошлади. Чунки улар бозор иқтисодиёти, кучли рақобат шароитида фақат ўз кучига ва ақлига, ўз имкониятларига таяниб яшашга ўргатилган ва чиниктирилган эди.

Агар биз болаларимизни жаҳондаги тенгдошлари билан интеллектуал, маънавий рақобатга тайёрламасак, улар охири бўлиб қоладилар. Шундай бўлиши хоҳлайсизми? «Йўқ», дейдингиз. Демак, кимнинг уйда фарзанд ўсаётган бўлса, унга (спорт тилида айтганда) "бўла-жақ жаҳон чемпиони", деб қаралсин. Унинг ривожланишига барча шароитни яратиш, бир соат ҳам вақтини беҳуда сарфламаслигига эришишимиз керак. Ана шунда, ҳақиқатан ҳам, ҳар бир ўғил-қизимиз ўз иши ва соҳасининг чемпиони бўлади. Биз эса устоз ва мураббий сифатида ҳурмат-иззатда яшаймиз.

МАНЗАРА

Ниманинг яхшилигини билиш учун ниманинг ёмонлигини, нима қилиш кераклигини билиш учун нима қилмаслик кераклигини билиш керак, дейдилар. Энди ана шу тамойл билан айрим манзараларни зимдан кузатсак.

Икки қизча сув бўйида ўйнаб ўтиришди. Шунда бири:

— Вой, шиппакчанг оқиб кетаяпти, Дилноз! — дейди.

Дилноза эса ўрнидан туриб, югуриб бориб, ариқчада секин чиқаришлари зарур. Нега десангиз, биз дунёнинг энг юксак ривожланган давлатлари қаторига

5—7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намойиш бўла бошлайди. Халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади», деган доно мақоли, ўйлаيمانки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради».

"Юксак маънавият — енгилмас куч".

Меҳмонлар кетишади. Ҳалиги гапини эслаб, унга қаттиқроқ дағдаға қиламиз. "Нега ундай (ўйладинг) дединг?" деймиз. Болаимиз "Қандай (ўйлай) айттай?" деса, "Жим бўл!" деб яна ўшқирамиз. "Мана бундай айтиш керак" деб ўргатаймиз. "Жим бўл!" деймиз. Бола эса "Нега дадам ўзи қилган ишни айтсам, уришадилар?", деб ҳайрон қолаверади. Шундай қилиб, ростгўй болаимизнинг тилини дили билан уриштириб қўямиз.

Вақт ўтиб, у қўриб-ўйлаётганини эмас, бизга ёқадиغان гапини айтишга қўнма боради. Буни боғча орасида тасдиқла-тиб, маҳоратини мактабда оширади. Мақтов олади. Дил билан тил эса юзқўрмас бўлиб қолади. Риёкорлик тўнини қияди.

Болаимиз улғаяди. Яхши топаяди, яхши яшайди. Бир кунининг улфатлари ҳам носамимий эканини сезиб қоламиз. Бизни совуқ тер босади. «Дўстларингга ишонма. Сени «чув» тушириб кетади. Қўриниб турибди. Улфатларининг тили билан дили бир эмас. Нияти ёмон, сирингчи билдирма. Ай-тма. Сир бўл берма. Дўстингдан кўрқ. «Дўстингдан топ деган ҳадис бор», деб ҳам юборамиз (Таъсир қилсин деб).

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

"... оилада кўни-кўшни-ларни кўролмаслик, фиску фасод, игво мухити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хоти-расида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради".

(«Юксак маънавият — енгилмас куч»).

ЯНА БИР БОР АЙТИПГАН ҲАҚИҚАТ

Айтинг, бирорта ота-она ўз жигарбандининг зарарли оқимлар гирдобига тушиб қолишини истайдими? Ота-онасини, оиласини, маҳалласини, эл-юртини менсимайдиган, куним ўтса бўлди деб яшайдиган одам бўлишини истайдими? Асло. Нуқул ширин орзу, дуолар қилиб ётиб, ёзни ўтказиб юборган

ши керак. Ана шунда ҳар бир оила, демак, бутун жамият маънавий соғлом, қудратли, енгилмас, бахтиёр бўлади.

«Менинг болаларим танбал бўлмас. Танбаллик одамни бўшаширади».

(Соҳибқирон Амир Темур)

Биз болаларимизни «Ҳаммаси яхши бўлади, қўявер. Биз қуриб берадиган бахтли жамиятда мазза қилиб яшайсанлар!», деб тарбиялашимиз керакими? Ёки «Эртага давлатлар, уларнинг манфаатлари, мафкуралари орасида баҳс бўлади («Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айлантирди-лар ва бу соҳада бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар» (Абдулла Авло-ний. 1913 йил). Ватан сизнинг қўлларингизда бўлади. Сизни алдашга, мулкингизни эгаллашга ҳаракат қилишади. Ана шунда Ўзбекистонни ҳимоя қила олишингиз керак. «Ёки, муте, охири, қўли қалта, дағдас миллат бўлаемизми?» деган миллий ориятни кўзғовчи шахсий бурчни қучайтирувчи са-волларни бериб тарбиялашимиз керакими?

«Ҳаммаси яхши», «Яхши бўлади» деб аллалаш бегона-лардан чиқади. Бу овунтириш методи. Бу беғамликни ўсти-ради. Беғамлик эса лоқайд-ликнинг онасидир. Зеро, аллома Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат, ма-саласидир» деган сўзлари ўтган аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқ-да.

"Биз ўз фарзандларимиз-нинг бaxту саодатини, иқболи ва камолини кўришни ис-тар эканмиз, нafaқат оила-даги, балки маҳалла-қўйда-ги одамларнинг хатти-ҳара-кати ҳам боланинг шакл-ланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унут-маслигимиз зарур".

(«Юксак маънавият — енгилмас куч»).

Ҳа, азизлар, ҳаммамиз учун муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган иш — тарбия-да хатоликка йўл қўймай-лик. Ана шундагина «фар-зандларимиз биздан кўра кучли ақли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиш-ларига заррача шубҳа қол-майди.

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, педагогика фанлари доктори

«МЕНИНГ ОНАМ МЕҲРДИР»

Кимдадир бойлик, мол-дунё бисёр-у, ҳаловат йўқ, кимдадир эса аксинча: ҳеч нарса йўқ, ammo хотир-жам. «Бир кам дунё» деганлари шудир, балки. Баъзилар яқинларининг меҳрини арзонга сотиб кета-ди-ю, бошқалар эса бир умр меҳрга ташна бўлиб ўтади.

...Холмат бобо меҳрибон-лик уйида қоровул бўлиб ишлайди. Отахон «Ойжо-нимга», «Дадажонимга», деб ёзилган бежирим кон-вертларни менга бераркан, кўзига ёш айланди:

— Бобурнинг ёзган мак-тублари. У ҳар сафар мен-га янги хат олиб келганда, «Албатта, ота-онангга етқа-заман», дея ваъда қилар-гани. Афсуски, мен уларни қилмасам. Беғубор ва ишонувчан болақайни ал-даб келаётганимни ўйла-сам... Мактубларни бир-бир очаман. Бир текисда битил-ган мисралар Бобурнинг хаяжонларини, соғинч ва

адам қоришқ ҳиссиётла-рини сўзлаб бермоқчидай, ўқишингизга илҳақ боқиб турибди:

«... Ойижон, бугун сизни тушимда кўрдим. Чиройли кўйлақда келаётган экан-сиз. Мен сиз томон югур-дим, ле-к и н

«Турмуш chorrahalarida»

Нега ундай қилдингиз, ойижон?! Нега тушимда бўлса ҳам, мени ўзингиз билан олиб кетмадингиз? Нега ахир, айтинг, ойи-жон?!»

«Кеча бизни театрга олиб боришди. Мен энг олдинги қаторга ўтиб олдим, яқин-роқдан кўрай дедим-да. Спектаклда бир аёл бола-сига алла айтиб берди... Ойижон, сиз ҳам менга алла айтгансиз-а? Сиз ҳам ўша аёлга ўхшаб бешик ёпқичидан менга термулиб-термулиб боққансиз-а? «Кўзичоғим», «Бўталоғим» дея эркалагансиз-а?!

Уша қуни қайтиб келга-нимиздан сўнг Мавжуда олам (тарбиячи) ҳам жуда ширали овозда алла айтиб берди...».

«... Дада, «жиян» дегани ким бўлади? Ёки мен ҳам «жиян»манми? Агар шундай бўлса, тоға-холаларим ким-лар? Бизнинг қариндошла-римиз кўпми? Бобом бор-ми, йўқми? Бувим-чи? Агар бор бўлса, мен ҳам улар-дан кўп эртақ, ҳикоялар эшитишни хоҳлардим. То-пишмоқ айтса, тезда топа

оламан. Бу ерда ҳамма мени «Компьютер калла» дейди. Чунки энг қийин ми-нига», «Дадажонимга», деб ёзилган бежирим кон-вертларни менга бераркан, кўзига ёш айланди:

— Бобурнинг ёзган мак-тублари. У ҳар сафар мен-га янги хат олиб келганда, «Албатта, ота-онангга етқа-заман», дея ваъда қилар-гани. Афсуски, мен уларни қилмасам. Беғубор ва ишонувчан болақайни ал-даб келаётганимни ўйла-сам... Мактубларни бир-бир очаман. Бир текисда битил-ган мисралар Бобурнинг хаяжонларини, соғинч ва

адам қоришқ ҳиссиётла-рини сўзлаб бермоқчидай, ўқишингизга илҳақ боқиб турибди:

«... Ойижон, бугун сизни тушимда кўрдим. Чиройли кўйлақда келаётган экан-сиз. Мен сиз томон югур-дим, ле-к и н

«Турмуш chorrahalarida»

Нега ундай қилдингиз, ойижон?! Нега тушимда бўлса ҳам, мени ўзингиз билан олиб кетмадингиз? Нега ахир, айтинг, ойи-жон?!»

«Кеча бизни театрга олиб боришди. Мен энг олдинги қаторга ўтиб олдим, яқин-роқдан кўрай дедим-да. Спектаклда бир аёл бола-сига алла айтиб берди... Ойижон, сиз ҳам менга алла айтгансиз-а? Сиз ҳам ўша аёлга ўхшаб бешик ёпқичидан менга термулиб-термулиб боққансиз-а? «Кўзичоғим», «Бўталоғим» дея эркалагансиз-а?!

Уша қуни қайтиб келга-нимиздан сўнг Мавжуда олам (тарбиячи) ҳам жуда ширали овозда алла айтиб берди...».

«... Ойижон, дадажон! Мен сизлардан хафаман. Нега олиб кетгани келма-ясисиз? Ахир, Мавжуда опа-сига байрамдан кейин бора-ман, дебсизлар-ку. Мен кўп шеърлар ёдладим. Келган-ларингизда айтиб бераман, хўпми?

Суҳбатдошим билан хай-рлашар эканман, бир бола Холмат бобонинг ёнига югу-риб келди. Бобурбек шу бўлса керак. Соғинч ва ичи-киш туйғулари болақайнинг кўзларида шундоққина акс этиб турарди:

— Бобо, ойимни ҳозирда-ноқ байрам билан табрик-ламоқчи эдим. Хатимни бе-риб юборасиз-а?..

Холмат бобонинг соқоли-дан сизиб тўшаётган ёш томчилари ҳайратдан лол боқиб турган Бобурбекнинг қисмати уни ювиб кетмоқчи-дай унинг юзига тома бош-лади...

Фарҳод ЭШМУМИНОВ

Мамлакатимизда билимдон ва зукко, ўз интеллектуал имкониятларини ишга сола биладиган кадрлар тайёрлаш масаласига давлат миқёсда аҳамият берилаяпти. Умумий ўрта таълимнинг таркибий, маънавий-маърифий қисми ҳисобланган «Баркамол авлод» марказлари боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, унинг онгишуурида умуминсоний ҳамда миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотиш орқали ана шу эзгу ишга улуш қўшади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда «Мактабдан ташқари таълим тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган, навқирон авлодининг ижодий қобилиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рўёбга чиқариш йўлидаги ишларни янада такомиллаштириб, замон талабларига мувофиқ ташкил этиш имконияти кенгайди. 2011-2012 ўқув йилида «Баркамол авлод» болалар марказлари учун ишлаб чиқилган ўқув дастурлари тажриба-синовдан ўтказилиб, ўқувчининг ёшига, физиологик ривожланишига, қизиқиш ва мойиллигига мослик жиҳатлари ўрганилди. Бу ҳақда

Qaror va ijro

зимлиги, ўқувчини тўғра-ракка жалб қилиш ёшини белгилашда айрим номувофиқликлар мавжудлиги аён бўлди.

Бадий ижодиёт йўналиши учун мўлжалланган 737та мавзу 191тага камайтирилди. «Бичиш-тиқиш», «Мунчоқ безаш», «Юмшоқ ўйинчоқлар» тўғра-ракка болаларни 6 ёшдан эмас, 7 ёшдан қабул қилиш тақлифи билдирилди. «Ёш пазанда», «Либослар дизайни» тўғра-раккада эса ўғил-қизлар 10 ёшдан эмас, 8 ёшдан ўз қобилиятларини намойён этишлари мумкин экан. «Фотодизайн» бўйича болаларни 10 ёшдан бошлаб шуғуллантириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Мактабдан ташқари таълим: БОЛА ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ



Халқ таълими вазирлиги «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси етакчи мутахассиси Дониёр Эрматов куйидагича фикр-мулоҳаза билдиради:

— Мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, мураббийларга услубий ёрдам кўрсатиш, ота-оналар билан ҳамкорликда иш юритиш, ўқувчиларни тўғра-раккага кенг жалб этиш олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади. Шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi уч йирик ташкилот — техник ижодкорлик, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишидаги «Баркамол авлод» марказлари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи республикамизнинг барча вилоятларида бўлиб, ўқув-семинарлар уюштирди. Республика миқёсдаги бу ташкилотларнинг интернет тармоғидаги сайтларидан ҳам соҳа мутахассислари учун услубий тавсиялар ва бошқа янгиликлар мунтазам бериб боришмоқда.

Хар учала йўналишда 36 номдаги 4197та тўғра-ракка 98221 бола камраб олинган бўлиб, тўғра-раккаларни ташкил этишда маҳаллий шарт-шароитлар ҳамда болаларнинг жисмоний имкониятлари, ёши ва қизиқишлари инобатга олинади. Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 4 июлдаги 143-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш жараёнида назарий сатҳлар урнига амалий машғулотларни кенгайтириш ло-

Техник ижодиёт йўналиши ўқув дастуридан ўрин олган 513та мавзу, тўғра-ракка раҳбарлари хулосасига кўра, 147тага камайтирилиб, мақбуллаштилди. Амалий машғулотларга 169 соат қўшимча қилинди.

Ўлкашунослик ва экология йўналишидаги «Баркамол авлод» болалар марказлари учун мўлжалланган ўқув дастурларини ҳам такомиллаштириш бўйича мутахассислар томонидан тақлиф-мулоҳазалар берилди.

Хар бир йўналиш бўйича такомиллаштирилган ўқув дастурларининг янги тахрири Халқ таълими вазирлигининг 3 сентябрдаги 259-сонли буйруғи билан тасдиқланди. 2012-2013 ўқув йилида мамлакатимиздаги барча, яъни 211та «Баркамол авлод» болалар марказида таълим жараёни янги тахрирдаги ўшбу ўқув дастурлари асосида ташкил этилади.

Мактаб ўқувчиларининг эҳтиёж ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда ижодий, техник қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ҳаётда асқатадиган касбий кўникмаларни шакллантириш, турли ахборот-коммуникация технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга ўргатиш, жонажон ўлкамиз тарихи, археологик ва маданий меросидан воқиф этиш мактабдан ташқари таълим муассасасаларининг раҳбар ходимларидан тўғра-ракка мураббийларига ҳам ўз ишига масъулият билан ёндашишини талаб этади.

Хулкар ТҲИМАНОВА
эзиб олди.

Таълим ва тарбия, бири иккинчисини тақозо қилади. Мамлакатимизда таълим сиёсати шуни-си билан афзалки, ўқувчиларга билим бериш баробарида маънавий оламини бойитишга бирламчи вазифа сифатида қаралади. Жиззах шаҳридаги 8-мактабда ҳам фарзандлар камоли йўлида ўшбу икки муҳим жиҳат бирдай олиб борилади.

Jarayon

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ — ЯХЛИТ ТУШУНЧА

Мактаб ҳовлисига кирган киши саф-саф дарахтлар ва ранг-баранг гуллар қуршовида қолади. Ўқувчилар ҳар тонг гулу райҳонларнинг муаттар бўйини туйганча, кўтаринки руҳда машғулотга йўл олишади.

Тонгги анъанавий тadbирда давлатимиз мадҳияси тинглангач, ўғил-қизлар мамлакатимиз ва жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳамда мактаб ҳаётидаги янгиликлардан бохабар қилинади. Яқинда шундай йиғилишлардан бирида мактаб бўйича 2011-2012 ўқув йилида ўтказилган «Энг ораста синф» кўрик-танловининг натижалари эълон қилинди. 7-«А»синф танлов голиби, синф сардори Нозима Маннонова эса «Энг ораста ўқувчи» сифатида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, ҳовли ва синфхоналарни кузатсангиз, орасталикдан кўзингиз қувнайди. Мактаб биноси 2007 йили капитал реконструкция қилинган эди. Аммо бугунги чиройини кўриб, беш йил эмас, яқиндагина таъмирдан чиқарилган деб ўйлашингиз мумкин. Ўқувчиларнинг юриш-туриш, одоб-ахлоқи ана шундай ютуқлар асосидир. Синф жиҳозлари, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарини авайлаб сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тажрибасини ўрганиш бўйича республика миқёсдаги семинарнинг шу мактабда ўтказилгани ҳам бежиз эмас.

Ёшларнинг ахлоқий тарбияси ота-оналар билан ҳамкорликини намунали йўлга қўйишни тақозо этади. Бусиз иложи ҳам йўқ, ахир. Жиззахдаги ўшбу таълим даргоҳида айна масалага алоҳида эътибор қаратилиб, «Оила — тарбия ўчоғи» мавзусида анъанавий учрашувлар ўтказиб турилади. Маҳалладаги энг намунали хонадонлар тақлиф этилган давра суҳбатидида бола тарбияси билан боғлиқ масалалар тўғрисида ҳаётий мисоллар орқали фикр-мулоҳаза юритилади. Ўқувчилар эса мавзуга оид тушунчаларини саҳна кўринишлари ёрдамида намойиш этишади.

— Ёшларимизни Ватанга садоқатли ва инсонпарвар этиб тарбиялаш биринчи галдаги вазифамиз, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, «Йилнинг энг фаол маънавий тарғиботчиси» кўрик-танлови вилоят босқичи голиби Шаҳло Қобилова. — Ўқувчилар онгига оила, маҳалла, ота-онани эъзозлаш каби юксак туйғуларни синдиришга ҳаракат қилаёلمиз. Шу мақсадда турли касб эгалари ва зиёлилар билан учрашувлар ташкил этамиз. Энг асосийси, ўғил-қизларимизнинг нимага қизиқиши, қобилияти борлигига қараб, турли кўрик-танловларга йўналтирамиз. Устозлари улар билан мунтазам шу-

ғулланиб, маҳоратини ошириш устида ишлайдилар. Бу саъй-ҳаракатлар натижаси ўқувчиларимизнинг бир неча танловларда совринли ўринларни эгаллаганида ҳам кўрилади.

«Янги авлод» кўрик-танловининг анъанавий ижро йўналишида Жавлон Тожиқулов вилоят босқичида 3-ўринни, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида Муҳайё Олимова етакчилигидаги бошланғич ташкилот 1-ўринни қўлга киритди. «Озод юрт манзаралари» кўрик-танловида эса рассомлик йўналиши бўйича Искандар Фозилова, иншо йўналиши бўйича Дилнур Аҳмедова муваффақиятли иштирок этди.

Шу ўринда беихтиёр ўйга толасан, барча таълим муассасаларида ҳам иқтидорли болаларни турли кўрик-танловларга қизиқтиришга етарлича эътибор бериларвермайди. Натижада, қанчадан-қанча қобилиятли ўғил-қизлар ўз олдида улкан мақсадлар қўйиб, олға интилиш ўрнига мактабда олаётган «яхши»ю «аъло» баҳолари билан кифояланиб қолишади.

Ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш ҳам маънавий-маърифий тарбиянинг муҳим таркибий қисмидир. Жисмоний машғулотларнинг бола саломатлиги ва ақлий ривожланишида аҳамияти беқиёс. 8-мактабда спорт мусобақалари ўтказиб бориш анъанага айланган. Собиқ ўқувчи Ирода Абдурахмонова ҳам дастлаб шу маскандаги тўғра-раккаларда фаол иштирок этиб, дзюдо сирларини ўрганди. У кейинчалик тўққиз қарра Ўзбекистон чемпиони деган шарафга эришди. Ирода Абдурахмонова халқаро мусобақаларда ҳам иқтидорини намойиш этиб, спортдаги ютуқлари туфайли Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Мактаб ўқувчилари «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари, «Ёз-2012» мусобақаларининг вилоят босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди. Моҳичеҳра Баратова каратэ бўйича икки марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. Яна бир спортчи қиз Нафиса Раҳматова эса қўл тўти бўйича нуфузли мусобақаларда иштирок этмоқда.



Таъкидлаш жоизки, мониторинг таҳлиллари Жиззах шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиларининг билим ва кўникмалари юқори даражада эканини кўрсатмоқда. Маънавий-маърифий ишлар намунали йўлга қўйилгани ҳам ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштиришдаги самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Инсоният наъбатдаги технологик ин-қилоб бўласида турибди. Кейинги йил-ларда фан ва техниканинг ривожини шун-дай муҳим маррага етиб келдики, ундан ўтиш инсоннинг яшаш шарт-шароитларини тубдан ўзгар-тишга қодир. Бу — нанотехнологияларнинг халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига татбиқ қилина бошлангани билан боғлиқдир. Дунёдаги энг кўзга кўринган экспертларнинг фикрича, компьютерлар яратилиши ахборот манипуляциясида қандай ин-

Fan va hayot

қилоб қилган бўлса, нанотехнологиялар-нинг материя билан манипуляция қилиши ҳам инсоният ҳаётида ана шундай инқи-лобни амалга оширади ва XXI аср фан-техника инқилобига замин бўлади. Келажакда наноэлект-роника кремний микросхемаларини сиқиб чиқаради ва компьютерларнинг умумий кўрсаткичларини мин-глаб марта оширади. Арзон, енгил ва мустаҳкам наноматериаллар машинасозлик ва қурилишда ши-латиладиган металлнинг ўрнини эгаллайди.



МИТТИ БУЊДКОРЛАР

ёхшў нанотехнологиялар нима?

Автомобиль саноати экологик хавфсиз автомобилларни ишлаб чиқаради, уларнинг ички ёнув двигателларидаги бензин ўрнида юқори самарали наноматериаллардан тайёрланган ёнгил элементлар ишлатилади. Нано-материаллар асосида тайёрланган, фойдали иш коэффициентини жуда юқори бўлган куёш ба-тарейалари энергетикадан ёнув-чи ёқилғиларни сиқиб чиқара-ди. Қолаверса, митти бунёдкор-лар халқ ҳўжалигининг иста-ган соҳасида арзон ва сифат-ли махсулотларни етказиб бериш имконини ярата-ди. Унинг ёрдамида вақтни тежашимиз, кам харажат қилиб, кўп моддий бойлик ва ноз-неъматларга эга бўлишимиз мум-кин.

Нанотехнология-лар кўндан-кўп ка-салликлар, шу жум-ладан, бутунни кунда "давоси йўқ" деб ҳисобланган сарат-он, СПИД, Паркин-сон хасталикларини енгиб, одамзод умрини кескин узайти-ради. Қисқа қилиб айтганда, на-нотехнологиялар келажакда иқтисодга, турмуш тарзи ва иж-тимоий ҳаётга катта таъсир кўрсатади.

Инсоният оддида турган бун-дай истикбол дунёда нанотехно-логиялар ва наноматериаллар соҳасидаги илмий-текшириш ишлари ҳажми ва натижалари тез суръатлар билан кенгайиб, ўсиб боришга оми бўлмоқда. Нанотехнологиялар соҳасида эришилган янги маълумотлар билан танишганингизда, бир-икки йил аввал хомхаёл бўлиб тутолган лойиҳалар бугун амал-га ошаётганини билиб ҳайрат-ланасиз. Нанотехнологиялар со-ҳасидаги илмий изланишлар, эришилган ютуқлари учун бе-рилган Нобель мукофоти сов-риндорларининг сони ҳозирги кунда ўн нафардан ошди. Дунё-да, айниқса, ривожланган дав-латларда нанотехнологиялар соҳасидаги илмий ютуқ ва иш-ланмаларни саноатда татбиқ этишга доир ишлар жадал суръ-атларга олиб боришмоқда.

"Нано" "HP", "NEC" ва "IBM" каби йирик компаниялар учун энг муҳим устувор йўналишни айтади. Бу компаниялар нано-технология соҳасида илмий из-ланишлар ва назоқурилмалар-ни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш учун жуда катта миқдор-да маблағ ажратишмоқда. Нано-технологиялар ёрдамида тайёр-

ланган махсулотлар дунё бозо-рини эгаллаб яхши бизнесга ай-ланмоқда. Экспертларнинг фик-рига кўра, нанотехнологиялар бозорининг ҳажми 10—15 йил давомида ҳар йили 40 фоизга ошиб боради. Нанотехнологик

Н А Н О



бу хусусда нималарни биласиз?

махсулотларнинг дунё бозорида-ги нархи 2015 йилга бориб 1 трлн. АҚШ долларидан ошиб ке-тиши тахмин қилинмоқда. Хул-лас, ким нанотехнологияларга эга бўлса, у дунёга эга бўлади.

Хўш, нанотехнологиялар нима ўзи?

1974 йили япониялик физик Нариро Танигучи томонидан бир-инчи бўлиб, илмий истеъмол-га "нанотехнология" сўзи кири-тилди ва бир микрондан кичик ўлчамдаги объектларни ана шу ном билан аташни таклиф қилинди.

"Нанотехнология" сўзи икки атама — "нано" ва "технология" сўзларидан ташкил топган. "Нано" қадимий юнончада "nanos" бўлиб, ўзбек тилида "па-кана", "митти" деган маънони англатади. "Нано" — бирор нар-санинг миллиарддан бир қисми, деб қабул қилинган. Масалан, наносекунд (нс) — секунднинг миллиарддан бир қисми, деб тушунамиз. Худди шундай, бир на-нометр (Кискача-нм) - метрнинг миллиарддан бир қисмидир (ёки, $1 \text{ нм} = 10^{-9} \text{ м}$). Кўпчилик микро-метр ёки микрон ва микроэлек-троника сўзларини яхши била-ди. Микрометр метрнинг мил-лиондан бир улуши бўлса (10^{-6} м), нанометр эса микро-метрдан минг марта кичик бир-лиқдир.

Нанометрни кўз олдими-зга келтиришимиз учун қуйидаги солиштирмаларни келтирамиз: ўнга водород атоми бир чизик бўйича кетма-кет жойлашти-рилса, бу масофа 1 нанометрни

ташқил қилади, ёки водород ато-мининг диаметри 0,1 нм демак-дир. Кўпчилик атомларнинг ди-аметрлари 0,1 дан 0,3 нм орала-ида. Масалан, олтин атомининг диаметри 0,28 нмга тенг бўлса, метан (CH_4) каби кичик молеку-лаларнинг чизикли ўлчам-лари ярим нм атрофида, ДНК спиралининг қалин-лиги 2 нм, эритроцитлар диаметри 7000 нм ва одам сочининг қалинлиги 80 000 нмга тенг. Яна бир солиш-тириш, одам бармоғининг қалинлиги Ер сайёрасининг диаметридан қанча кичик бўлса, нанометр ҳам бир метрдан шунча кичик бўлади. Нано-технологиялар иш кўрадиган объектларнинг ўлчамлари 1 дан 100 нмгача оралақда ётади. Атомларнинг ўлчамла-ри бундан паст ва 0,1 нм ат-рофида бўлади.

Энди "технология" атамасига келсак, қадимий юнончада "techné" — "санъат", "моҳирлик", "logos" эса "фан" демакдир. Эн-циклопедик луғатлар-дан бирда "техноло-гия" қуйидаги таъриф берилган:

Технология — илк хомашё(ҳолати ва шак-ли)ни қайта ишлаш, тайёрлаш, ўзгартиш натижасида тайёр мах-сулотни олиш усуллари мажму-асидир.

Технологиялар бир-биридан илк хомашёнинг табиати билан фарқ қилади. Масалан, ахборот технологиялари ва машинасоз-лик технологияларининг "илк хомашёси" — ахборот ва металл конструкцияларидир. Бу "хома-шёлар" орасидаги кескин фарқ, уларни қайта ишлаш ва ўзгар-тиш усуллари — ахборот ва ма-шинасозлик технологияларининг бир-биридан тубдан фарқ қили-шига олиб келади.

Технология ҳақида гапирга-нимизда "юқори технология" иборасини ҳам ёддан чиқармас-литимиз керак. Бунинг моҳияти нимада? Биламизки, нисбатан яқинда пайдо бўлган, бироқ ҳозирча кенг тарқалмаган самар-ли технологиялар юқори тех-нологиялар деб юритилади. Ма-салан, микроэлектроника соҳа-сида пайдо бўлган, ҳайратланар-ли кичик ўлчамлар (микрометр) билан боғлиқ технологиялар юқори технологиялар ("high-tech") деб аталади. Бундан 30 минг йил муқаддам тошни та-рашлаб текислаш ҳам юқори технология ҳисобланган.

Комил МУКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА
академиги,
физика-математика фанлари
доктори, профессор

Давоми бор.

ТЎЙ БИР КУНЛИК, ҲУНАР БИР УМРЛИК

«Ma'rifat» газетасининг 7 июль сониди Анвар Самадовнинг «Бахт дабдабаю ҳашамдами?» мақоласини ўқиб жуда таъ-ширландим. Муаллиф ҳамманинг кўнгли-даги оғриқни қоғозга туширибди. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда айримлар бахтни келин-куёвга қилинган сарпо ва тўй куни сарфланган миллион-миллион сўмлар билан ўлчайдиган бўлиб қолди.

Анвар Самадов сўнгги пайтларда хонан-даларнинг, тўғрироғи, «юлдузчалар»нинг тўйи ёзилган дисклар аҳоли орасида тар-қалиб, уларда кўз-кўз қилинаётган ортиқ-ча дабдалар олдий одамларга салбий таъ-сир кўрсатишини ёздади. Бундай дисклар катта ёшли кишилар билан бирга, ҳали оқу қорани яхши ажрата олмайдиган, ҳаётнинг паст-баландини тушунмайдиган болалар-нинг ҳам онгини заҳарлаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Яқинда бир она 5-синфда ўқийдиган қизи хонандаларнинг тўйи тафсилоти ёзил-ган дискни томоша қилаётиб, «Аяжон, ме-нинг тўйим ҳам шунақа бўлади-а!» деган-ини айтиб қолди. Шунда катта акаси ҳазиллашиб, «Агар тўйингни шундай қилиб ўтказсак, аям ҳам қўшиқчи қиз-нинг аяси каби енгис қўйлак кийиб, роса

Aks-sado

рақсга тушадилар-да», дебди. Қизи акаси-га ёвқараш қилиб «Эй йўқ, аямга енгисиз қўйлак ярашмайди, кейин қишлоқда ҳамма кулади», дея орзусидан воз кечган-дек бўлибди.

Ўқитувчи эмасманми, баъзан танаффус пайтида ўқувчиларнинг тўй ҳақидаги суҳ-батларини эшитиб қоламан. Улар келин-нинг қўйлагий, дастурхонга нималар қўйилганини, қанча хонанда келганини муҳокама қилиб ўтиришади. Табиийки, ўзларининг кўнглида ҳам шу каби дабда-баю асыасага мойиллик уйғонади.

Одам организмнинг ҳар қандай салбий таъсирга қарши қурашадиган тизими им-мунитет дейилади. Иммуитет паст бўлса, биргина вирус ҳам бутун организмни иш-дан чиқариши мумкин. Ёш авлод онгига тушган «вирус» ҳам кейинчалик турли ил-латларнинг илди-з отишига сабаб бўлади. Бутун хонандаларнинг тўйию туғилган ку-нига ҳавас қилаётган қизалоқлар эртага ота-онасидан худди шундай тўй ёки та-валлуд кун айёми ўтказиб беришни талаб қилмайди, деб ким қафолат беради!

Ўқитувчи ва мураббийлар қишлоқнинг энг зиёли, обрў-эътиборли кишилари са-налади. Биз ҳам маҳалла фаоллари, диний-маърифий маслаҳатчилар билан ҳамкор-ликда тўйларни ихчам ва файзли, камчи-қим ўтказиш ҳақида суҳбатлар олиб бо-ришимиз, тўйга харжланадиган пулнинг маълум қисмини болаларнинг билим оли-ши, ҳунар ўрганиши учун сарфлаш кел-гусида уларнинг бахтли ҳаёт кечирishiга замин яратишини тушунтиришимиз лозим.

Зеро, бир кунлик тўй ўтати-кетади. Эгалланган билим ва ҳунар эса инсоннинг бир умрлик ҳамроҳи бўлиб, фаровон ва тўқ яшашини, бахтли бўлишини таъмин-лайди.

Матлуба АБДУЛЛАЕВА,
Денов туманидаги 22-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

Бугун сайёрамиз ахли ҳар қадамда электр энергияси муаммосига дуч келмоқда. Шу боис, энергияни сақлаш масаласига нафакат энергетика, балки иқтисодиёт, ва умуман, илм-фан олдида турган энг муҳим вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Шунга қарамай, бу масала ҳануз тўла ўз ечимини топгани йўқ. Инсониятнинг олинган электр энергияни самарали сақлаш, унинг захирасини яратиш борасидаги тажрибасизлиги гидроэнергетика, гелиоэнергетика ва шамол энергетикаси каби қайта тикланадиган қувват манбаларини фойдаланиш, соф энергияни ҳосил қилиш йўналишида амалга ошириладиган ишларнинг ривожига тўсқинлик қилмоқда. Оқибатда бугун ҳам энергияни истеъмолчиға мунтазам етказиб бериш борасида мураккабликлар юзага келаяпти, дунёнинг sanoati ривожланган мамлакатларида ҳам энергия танқислиги кузатилмоқда.


Шу боис мазкур йўналишдаги илмий янгиликлар ва эришилган муваффақиятлар илм-фан ахли ҳамда кенг жамоатчиликда бирдай қизиқиш уйғотади. Квант технологиялар ва улар асосида яратилаётган энергияни сақлаш ускуналари ана шундай янгиликлардан бири ҳисобланади.

Yuqori texnologiyalar olamida



РАҚАМЛИ КВАНТ БАТАРЕЯЛАР


ҳам энергия, ҳам ахборот манбаи



Квант технологиялар мутахассислар томонидан келажакка истиқболли назар, дея таърифланмоқда. Сабаби, квант физикаси олимлари томонидан энергияни сақлашнинг ўзига хос концепцияси таклиф этилиб, мазкур вазифани бажарадиган ускуналар рақамли квант батареялар деб юритилади. Уларнинг сизими бугунги кунда кенг қўлланиладиган одатий аккумулятор ёки батареялардан анча катта бўлиши эса, энергияни сақлаш йўналишида олдинга ташланган янги «квант» қадам сифатида баҳоланмоқда.

Бир неча йил олдин океанортидаги Иллинойс университети тадқиқотчилари томонидан рақамли квант батареяларини яратиш фикри ўртага ташланди. Бунинг негизда миллиардлаб наноҳажмдаги конденсаторлардан фойдаланиш ва атомлар даражасида вужудга келадиган квант ҳодисалар самарасига таяниш фикри ётади. Оддий конденсаторлар бир жуфт тоқ ўтказувчи пластина ёки изоляция материали, ҳаво билан ажратилган электродлардан ташкил топади. Уларга кучлиниш орқали таъсир ўтказиб, электр майдон ҳосил қилиш ва энергияни конденсатор қопламасида йиғилишнинг имкони туғилади. Бирок конденсаторнинг имкониятлари ҳам чексиз эмас: қувватланиш маълум даражага етганда қоплама ва тирқишлардан уқун чиқиши, кучланишнинг маълум даражасида электр токи сизиб чиқиби, бутун қувват бой берилиши мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда океанортилик олимлар конденсаторларнинг нано захираларини яратиби, электродлар орасидаги масса тахминан 10 нанометр-



(100 атом)ни ташкил қилиши лозимлигини таклиф этишмоқда. Айни пайтда бундай кўламдаги квант ҳодисалар самараси — зарядларни эркин ташувчилар концентрациянинг ошиб кетмаслиги ва ўз навбатида, энергия йўқотилишининг олдини олади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, мазкур ҳодиса илм-фанда янгилик эмас: кўп йиллар давомида наноконденсаторлар ўзига хос хусусиятларни намоён этиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлиб, макрооламга хос энергия йўқотилишининг олдини олиш воситаси сифатида айнан элементларнинг масштаби кўрсатиб келинар эди. Лекин Иллинойс университети олими, концепция муаллифларидан бири Алфред Ҳаблернинг таъкидлашича, инсонлар электр майдон кўрсаткичининг юқорилиги энергия зичлигининг ҳам баландлигидан далолат беришини, электрмайдон кўрсаткичидан ҳозирда мавжуд қувватни сақлаш ускуналари ҳажмидан ҳам каттароқ сизимга эга қурилмаларда самарали фойдаланиш мумкинлигини билишмаган.

Тадқиқотчининг ҳисоб-ки-тобларига кўра, янги турдаги энергия манбаларининг якуний қийёсий қуввати бугун фойдаланилаётган исталган технологиялар сизимидан катта бўлиши, сақланадиган энергия миқдори эса энг яхши литий-ионли батареяларга нисбатан ҳам 2–10 баробар юқори бўлиши лозим экан. Бундан ташқари, рақамли квант батареяларини ишлаб чи-

қариш бугун амалда бўлган литографик жараёни тубдан ўзгартиришни талаб этмайди ва шу билан бирга уларни яратиш учун зарур материаллар — кремний, темир ва вольфрам нисбатан арзон ҳамда зарарсиз. Ҳаблер янги турдаги батареяларнинг лаборатория шароитида яратилган намунасини тез орада кенг оммага тақдим этмоқчи. Эътиборлиси, ушбу энергия сақловчи ускуналар умуман энергияни йўқотмаслиги ёки деярли сезилмас даражада йўқотиши билан аҳамиятли. Лекин ҳозирча таклиф этилаётган бу қувват манбалари патентланган фоя ҳолос. Айни кунда олимга Илғор тадқиқотчилик лойиҳалар ҳимояси агентлиги (Defense Advanced Research Projects Agency — DARPA) молиявий кўмак бермоқда, тадқиқотчи эса рақамли квант батареяларнинг самарасини амалда намоён этиб, унга қарши фикр билдирганларнинг олдида юзи ёруғ бўлишига интиломоқда. Хусусан, мазкур фикрга нисбатан ишончсизлик билдирган мутахассислардан бири Массачусетс технология институти профессори Жозел Шиндел янги концепция билан танишиб чиққан, заряд йиғилганидан сўнг наноматериаллар парчаланиб кетмаслигиға шубҳа билан қараган. Лекин у концепциянинг эътиборга лойиқ эканлигини тан олиб қуйидагича фикр билдирган:

— Концепция менда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда, чунки тадқиқотчида бундай квант ҳажмларда энергияни сақлашнинг аҳамияти борасида ишончли далиллар бор.

Таъкидланишича, рақамли квант батареялари концепцияси бугун амалда қўлланилаётган микро ва наноэлектрон ускуналарнинг бир тури ҳисобланади. Ҳаблернинг сўзларига кўра, агар мазкур фояга рақамли электроника нуктаи назаридан қаралса, бу флеш-диск каби ускунаға ўхшайди. Яна бир ўхшаш жисм — плазма-ли телевизорлардаги ўта

кичик ҳажмдаги вакуум найчалардир. Рақамли дейилишининг сабаби, янгича батареяларнинг ҳар бир элементи мустақил ҳолда бўлиб, назарий жиҳатдан уларда энергиядан ташқари тегишли маълумотларни ҳам сақлаш кўзда тутилган.

Мутахассислар томонидан конденсатор хусусиятларини оширишнинг бошқа усуллари ҳам борлиги таъкидланмоқда. Масалан, ўта ингичка конденсаторлар электрод ва электролитлар юзасини катталаштириш ҳисобига одатий энергия сақлаш ускуналаридан тез ва самаралироқ ишлаши мумкин экан. Ж. Шиндел электродлар юзасида кўмир ўрнига наноайчалардан фойдаланган ҳолда сақланадиган энергиянинг кўрсаткичи ва миқдорини оширишга муваффақ бўлган. А. Ҳаблер эса ўз изланишининг амалий қисмиға етиб келмаган бўлса-да, 2005 йилда корейлик олимлар томонидан наноконденсаторларни ишлаб чиқариш мумкинлиги намоён этилган тажриба натижаларига таянган ҳолда унинг аҳамиятлилигини таъкидламоқда, дейилади «ФизОрг» манбасида.

Баъзи олимлар самарали квант батареяларни яратиш борасида ўзига хос ёндашув асосида иш олиб бораётган бир пайтда бошқа бир мутахассисларнинг муваффақиятга эришяётгани кувонарлидир. Хусусан, америкалик нанотехнологлар рақамли квант батареясига жуда ўхшаб кетадиган қувват манбаини яратишнинг уddасидан чиқишди. Улар ишлаб чиққан нанобатареялар янгича нанотехнологик тузилмага эга бўлиб, замонавий аккумуляторларга нисбатан бир неча ўн баробар катта сизимға эга. Бунинг устиға илмий янгилик туфайли аккумуляторлардан қувват оладиган ускуналарни ҳам ҳажман кичиклаштириш имкони яратилди, дейишмоқда тадқиқотчилар.

Янги рақамли квант ба-

тареяларнинг тузилиши жуда оддий: улар ҳажми 10 нанометр (ёки 100 атом) бўлган графен наноайчалар шаклида бўлади. Квант ҳодисалар самараси туфайли бундай тузилиш батареяларни қувватлашда кузатиладиган мураккабликлардан бири — электр токи «тирқиши» (бунда энергиянинг сизиб чиқиб кетиши кузатилади) юзига келишининг олдини олади. Бугун қўлланилаётган аккумуляторларни қувватлаш жараёнида айнан шундай электр «тирқиш»лари туфайли уларнинг зарядланиш қувватидан тўлиқ фойдаланиш имкони бўлмайди. Бу конденсаторлар тўлиқ тўйинмайди, деганидир.


Рақамли квант батареяларининг одатдагиларига нисбатан қувватланиш жараёни ҳам бир неча баробар тез экани эътиборга молик. Олимлар янги ихтиродан яна бошқа мақсадда ҳам фойдаланиш ниятида. Аниқроғи, улар ҳар бир конденсатори маълумот ташувчи вазифасини ўтайдиган квант батареялардан ахборот манбаи сифатида ҳам фойдаланишни таклиф этишмоқда. Бунда ўзгача тузилиш ахборотни сақлашга замин яратади. Ахборотни олишда сарфланадиган қувват эса жараёнда вужудга келадиган магнит майдон ҳисобига қопланади ва шундан конденсатор зарядсизланмайди.

Бундан ҳар бир конденсатор ахборотни сақловчи бўлмача вазифасини ҳам ўтайди. Қолаверса, тажрибаларда тадқиқотчилар агар наноайча материалиға махсус аралашма қўшилса, ахборотни ўқиш жараёнда вужудга келадиган магнит майдон ҳисобига амалга оширилиши мумкинлигини ҳам намоён этишди. Бу эса, табиийки, энергияни тежашға ёрдам беради. Тузилма муаллифларининг фикрича, бундай усул янги авлод флеш-хотира ускуналарини ишлаб чиқаришда, айниқса, қўл келар экан.

Наргиза ИБРОХИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ТУРБИНАЛАР ҚУШЛАРГА ЗАРАР ЕТКАЗМАЙДИ

Шамол энергиясидан кенг фойдаланиш қуш турларининг камайишига олиб келиши мумкин. Йирик йиртқич қушлар эса шамол турбиналари бор ҳудудлардагина сақланиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу боис АҚШнинг «Sigma Design» компанияси шамолни тутувчи янги турдаги турбиналар орқали мазкур муаммага барҳам бермоқчи, дейилади «ФизОрг» манбасида.



Шамол электр станцияларида паррақлар бор экан, қушларнинг оммавий равишда қирилишига барҳам беришнинг имкони йўқ. «Sigma Design» компанияси ходимлари томонидан яратилган ускуна шамолни тутувчи, сиқилган ҳавода ишлайдиган ёпиқ турдаги шамол турбиналаридир. Янги ускунанинг кичик диаметрли турбинаси турбореактив двигател каби қучли шамол пайтида ҳам шикастланмай ишлаши мумкин, чунки унинг паррақлари оддий шамол электр станциялариникидан калтароқ. Ҳажми ва оғирлиги ҳам кичик бўлиб, аини пайтда енгил ва мустаҳкамдир.

Муҳандисларнинг айтишича, янги турбиналарни амалиётда жорий этиш ва фойдаланиш анча арзонга тушади.

НЕГА ЁҒЛИ ОВҚАТ ЗАРАРЛИ?

Ўта ёғли қовурилган таомларни мунтазам истеъмол қилган инсонларнинг фарзанд ва набиралари ҳам семизлик ёки қанд касаллигидан азият чекиши мумкин. Нью-Йоркдаги (АҚШ) Маунт-Синай тиббиёт маркази илмий ходимлари бу турдаги овқатлар ортқича вази ва қанд касаллигининг ривожланишига қанчалик таъсир кўрсатишини ўрганиш натижасида шундай хулосага келишди, дейилади «Медиал Экспресс» («Medical Xpress») манбасида.



Тадқиқот пайтида иштирокчиларга меъдадаги кальций ва ёғлар, аини пайтда таркибда метилглиоксал моддаси бўлган қовурилган таомлар истеъмол учун берилган. Бундай таомларни истеъмол қилгандан сўнг тўртинчи авлод вакиллари унинг аксариятида ортқича вази ва инсулинга таъсирчанликнинг пасайиши каби иккинчи турдаги қанд касаллиги белгилари кузатила бошлаган.

Таъкидлаш жонки, бунда ортқича калорияли овқатлар мақсадли равишда берилмаган. Тадқиқотчилар

реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар


ЭЪЛОН

Халқ таълими вазирлиги 2012 йилда умумтаълим мактабларига ўқув-лаборатория жиҳозлари, синф хоналари учун махсус мебеллар, компьютер техникаси, мебель ва спорт анжомлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мусиқа чолғу асбоблари, мебель ва техник инвентарлар харид қилиш бўйича тендер савдосининг куйидаги Лотлари бўйича:

Т/р	Лот рақами	Лот номи	Худудлар номи
1	1-Лот (1.11 ва 1.12)	1—4-синф жиҳозлари	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича
2	2-Лот (2.11 ва 2.12)	5—9-синф жиҳозлари	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича
3	4-Лот	Ўқув компьютер синф хонаси учун махсус мебеллар	Республика бўйича
4	9-Лот (9.1, 9.2, 9.3, 9.4 ва 9.5)	Спорт зал I қисм спорт анжомлари	Республика бўйича
5	11-Лот (11.1 ва 11.2)	Маъмурий ва методик хоналар жиҳозлари	Республика бўйича
6	13-Лот	Фоллар зали жиҳозлари	Республика бўйича
7	16-Лот (16.1 дан 16.14 гача)	Ўқув компьютер синф хонаси (компьютер техникалари)	Республика бўйича
8	30-Лот (30.1, 30.2, 30.3, 30.4 ва 30.5)	Махсус мебель ва инвентарлар	Республика бўйича
9	33-Лот (33.1, 33.2, 33.3, 33.4 ва 33.5)	Металл асбоб-ускуналар	Республика бўйича
10	34-Лот (34.2, 34.3 ва 34.5)	Кресло ва стуллар	Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари, Қорақалғистон Республикаси, Хоразм вилояти бўйича
11	35-Лот (35.1, 35.2, 35.3, 35.4 ва 35.5)	Пардалар	Республика бўйича

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йилнинг 17 сентябрга қуни соат 17:00га қадар узайтирилганлигини маълум қилди.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун Тендер комиссиясининг Ишчи органига (шанба ва яшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги қунига қадар ҳар қуни соат 10:00 дан 17:00 гача қуйидаги ман-



кузатилаётган семизлик ва қанд касаллигининг кенг тарқалишига омил бўлади. Агар бир неча авлод вакиллари қовурилган ёғли овқатни афзал билса, уларнинг фарзанд ва набираларида моддалар алмашинуви билан боғлиқ юқоридаги каби муаммолар юзага келиши табиий, дейишмоқда олимлар.

«АҚЛЛИ» БИРИКТИРУВ МАТЕРИАЛИ

Кўп йиллардан бери жарроҳлик операцияларида пластик ёки ипак бириктирув материалли, хусусан, иплардан фойдаланилиши кўпчиликка маълум. Океанортидаги Иллинойс университети олимлари мазкур технологияни янгилашди: ипларни жароҳатнинг битиш жароҳини тезлаштирадиган сенсорлар билан жиҳозлашди. Мавзуга оид мақола «Технология Ревью» («Technology Review») манбасида берилади.

Полимер ёки ипак ипларга жойлаштирилган ўта ингичка кремний сенсорлари бўлган электрон бириктирув материалли жароҳат четларининг самарали битишига қўмаклашади. Сенсорлар эса жароҳат ҳароратини ўлчашига ҳам мўлжалланган. Бу нима учун керак, деган савол туғилиши мумкин. Модернизацияланган бириктирув иплари ҳароратни аниқ ўлчаб, меъёрлаштириб ҳам туради, натижада яраланган жой тезроқ битади.

«Ақлли» бириктирув материаллининг ўзига хос хусусиятлари кремний ускуналари сабабли намоён бўлади. Олимлар бириктирув иплари юзаси учун икки турдаги сенсор яратилган. Улардан бири кремний диоди бўлиб, у ҳароратга қараб токни ўзгартириши мумкин. Иккинчиси эса платинали мембраналар асосида яратилган резистор бўлиб, унинг қаршилиги ҳароратга қараб фарқланади.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, янгича бириктирув материаллини яратишда уларнинг эгилувчанлигига эришиш катта қийинчилик туғдирган, чунки кремний жуда мўрт экан. Лекин улар наноҳажмдаги кремний мембраналари орқали қийинчиликни бартараф этишган. Янги ипларнинг мустаҳкамлиги ва эгилувчанлиги тажрибаларда синовдан ўтди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Куба пойтахти Гавананинг гарбий қисмидаги турар жой ҳудудларидан тортиб шаҳарнинг шарқий қисмигача номаълум сабабга кўра, оммавий равишда электр таъминотида носозлик юз бериб, минглаб хонадонлар ёруғликсиз қолган.

Непал гарбида, пойтахт Катмандудан тахминан 400 километр узоқликдаги тоғли ҳудудда йўловчилар автобусининг жарликка қулаб кетиши оқибатида 27 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган, 11 нафари эса турли даражада жароҳат олган.

Курил ороллари соҳилларида 14,7 километр чуқурликда магнитудаси 5,5 балга тенг зилзила содир бўлиб, ҳозирга қадар қурбонлар, вайроналар ва цунами хавфи ҳақида ҳеч қандай маълумот берилгани йўқ.

Океанортидаги Чикаго штатида ойлик маоши, иш билан таъминлаш ва баҳолаш тизими масалаларида маҳаллий ҳокимият билан бир тўхтамага келолмаган Ўқитувчилар уюмиси ходимлари томонидан норозилик намойиши ташкил этилгани оқибатида 400 мингга яқин ўқувчилар дарслардан бекор қоладиган бўлди.

Германиянинг Штутгарт шаҳрида ташкил этилган вертолёт авиашоусида нохуш ҳолиса рўй бериши оқибатида уч нафар инсон ҳалок бўлган, яна бир неча нафар томошабин оғир жароҳат олган ва бир неча миллион евролик зарар кўрилган.

Дунёдаги энг йирик компьютер ишлаб чиқарувчи «Хюлетт-Паккард» («Hewlett-Packard») компанияси молиявий даромад кўрсаткичи кескин камайиб кетгани сабабли 2014 йилга келиб аввал маълум қилганидек 27 минг эмас, балки 29 минг нафар ходимини ишдан бўшатишини эълон қилди.

АҚШнинг Нью-Йорк штатида камдан-кам юз берадиган ҳолат — Квинс ва Бруклин ҳудудларида торнадо кузатилиб, биринчи ҳудудда табиий офатдан зиён кўрилмаган, лекин иккинчи ҳудудда соатига 177 километр тезликда ҳаракатланган шамол бир неча бино ва электр тармоғи симларига зарар етказган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Ўзбек филологияси факультети «Ўзбек тилшунослиги» кафедрасининг профессори Муҳаббат Қурбоновага падари бузруквори **Матякуб ота ҚУТЛИМУРОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Ўзбек филологияси факультети «Тил назарияси ва амалиёти» кафедрасининг катта ўқитувчиси Гулбаҳор Маҳмудовага падари бузруквори **Икром ота МАҲМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

зилга мурожаат қилиш мумкин:

100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони — 5, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Тел: (8-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 239-13-35, 239-18-24.

Факс: (8-371) 239-89-58.

Ибрatли умр — ҳикматли умр

Атоқли математик Т.Саримсов таъкил қилган Тошкент функционал анализ мактаби ишларини давом эттириб, математиканинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар савиясини янада кўтариш йўлида баракали фаолият олиб бораётган олимлардан бири Шавкат Аюповдир.

Зиёли оилада туғилган Шавкат ўқувчилик йилларида ноқам математика фанига ихлос қўйиб, ўз қобилиятини намоён этди. Уша даврда ўқазиладиган шаҳар ва республика фан олимпиадаларида ғолиб бўлди. Мактабни тамомлаган эса, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг механика-математика факультетига ўқишга кирди. 1974 йили институтни тугатиб, академик Т.Саримсов ҳам ва доцент Ж.Хожиёв (ҳозир академик) раҳбарлигида аспирантурага қабул қилинди.

Шавкат Аюпов 1977 йили физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олган бўлса, 1983 йили «Тартибланган Йордан алгебраларининг тавсифи, таснифи ва эҳтимоллар назариясига таъбиқи» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Ҳозиргача Шавкат Аюпов 5та монография ва 250дан ортққ илмий мақолалар эълон қилди. У, шунингдек, олий ўқув юртларининг математика мутахассислиги бўйича 4та дарслик ва ўқув

қўлланма муаллифи ҳамдир.

Шавкат Аюповнинг фан учун қилган хизматлари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилган. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзоси (1995 й.), Ривожланаётган дунё фанлар академияси (TWAS)нинг ҳақиқий аъзоси (2003 й.), Абдус Салом номидаги Халқаро назарий физика маркази (ICTP) аъзоси (2008 й.), Мугулистон Фанлар академияси аъзоси (2008 й.) этиб сайланган. Бу эса олим замонавий ўзбек математикасининг халқаро миқёсда тан олинишига, нуфузининг ошишига ҳисса қўшиб келаётганини кўрсатади.

Математика фани ривожига қўшган катта хизматлари, самарали педагогик фаолияти ва малакали илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Шавкат Аюпов 1996 йили «Шўхрат» медали, 2003 йили «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотланди, 2011 йили эса унга «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони берилди.

А.АЪЗАМОВ,
профессор,
М.БЕРДИКУЛОВ,
доцент

Ustoz — elda aziz

Дарсда кўргазмалилик муҳим

Башоратхон Хўжаева Андижон педагогика техникумини тамомлаб, Марҳамат туманидаги 9-умумтаълим мактабига бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб келганда қалбидаги иштиёқ уни ўз устида мунтазам ишлашга, тизимга янгилар олиб киришга ундади. Тарих фанини ўрганиш, ўқувчиларга бой тарихимиздан сабоқ бериш ораси уни Андижон давлат университетининг тарих факультетига етказди. 1978 йили Марҳамат туманидаги 10-умумтаълим мактабиде олий маълумотли ўқитувчи сифатида тарих фанидан сабоқ бера бошлади. Яна ноанъанавий дарс усуллари, кўргазмали куруллардан мохирона фойдаланишга эътиборни кучайтирди. Мактабда тарих фани хонаси таъкил этиб, мўъжаз «Тарих бурчаги»га асос солди.

— «Тарих бурчаги»ни таъкил этишда ўқувчи ва ота-оналарнинг кўмаги катта бўлган, — дейди Башоратхон Хўжаева. — Ўқувчиларим ҳамроҳлигида уйма-уй юриб, халқимиз ўтмишига дахлдор меҳнат ва иш куруллари, уй-рўзгор, ҳунарамандчилик, кулолчилик буюмлари, сўза-

на-ю кашталар ҳамда момоларимиз фойдаланган пардоз-андоз ашёларини тўплади.

Дарс мавзусига қараб ҳар бир экспонатдан кўргазмали курул сифатида самарали фойдаланишга эришди. Шу орқали ўқувчиларни бой тарихимиз ва миллий маданиятимиздан воқиф этиб борди.

— Ватанга муҳаббат, аждодлар руҳига ҳурмат туйғуси жонли мулоқотларда шаклланади, — дейди педагог. — Айниқса яқин ўтмишимизга оид мавзуларни ўргатишда ўша кунларга бевосита гувоҳ бўлган отахону онахонларни суҳбатга тақлиф этиш яхши натижа беради.

Башоратхон Хўжаева ўз оиласида ҳам таълимий муҳитни шакллантира олди. Шунданми, фарзандларининг кўпчилиги ўқитувчилик касбини танлади. Ўғли Файзуллохон Марҳамат сув хўжалиги касб-хунар коллежида тарих фанидан сабоқ бермоқда. Қизи Мавжудохон таржимон, Хуршидабону инглиз тили ўқитувчиси, Гулжаҳон эса Тошкент давлат шарқшунослик институтида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Эркин АБДУЛЛАЕВ

«Қадрият сувини ичир...»

Хаёл мисоли учкур от. Бир он тиним билмай пиллаётган юрак, уммондек товланаётган қалб кечинмаларга тўла. Аслида, илҳом мана шу тўлқинлар тошқинидир. Илҳомни жўшганда кимдир оламшумул ихтирога қўл урса, биров сеҳрли куй басталайди. Истеъдодли ижодкор Саодатли Остона бундай пайтда қалбини қозоғга ёради, қўрган-кечирганларини оддий воқеалар, ўхшатишлар мисолида ифодалашга интилади.

Саодат Остонов ҳали мактабда ўқиб юрган пайтиёқ кичик хабар ва мақолаларини тахририятларга йўллаб турарди. 1967 йили Тошкент тиббиёт техникумини тамомлаган, бир неча йил шифохонада ишлаб, бечора қўнғлига йўл тола олиши, тандан бурун дилида долашга интилиши билан жамоада ҳурмат-эътибор қозонди. Бироқ илмни ошириш иштиёқи кучлилик қилди. Қарши давлат университетининг табиатшунослик факультети биология бўлимининг тугатиб, Қамаш туманидаги 14-умумтаълим мактабиде бола-



ларга сабоқ бера бошлади. Дарсларида ўқувчиларни соғлом турмуш тарзига, нафақат танни, балки руҳни ҳам соғломлаштиришга даъват этди. Машгулларнинг қизиқарли ва жонли бўлишини таъминлаб, интерфал озуллардан фойдаланишга, ижодий қобилиятини дарсларга ҳам сингдиришга интиди. «Бугунги ишни эртага қўйманг», «Муаллим-муаллим ўйини», «Хўжайра водийси» каби ўйин-дostonлар битиб, амалиётда қўллади. Ёш авлодга таълим-тар-

бия бериш, иқтидорли шоғирлар тайёрлаш борасидаги хизматлари эътиборга олинди, 1998 йили Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни арафасида Президентимиз фармонию мувофиқ «Шўхрат» медали билан тақдирланди.

Педагогик касбидан ортиб, газета ва журналларда қўллаб публицистик мақолалари билан фаол қатнашди. Долзарб мавзулардаги мақолалари кенг жамоатчилик эътирофини қозонди, Саодат Остонов «Йилнинг энг фаол журналисти» қуриқтанлови совриндорига айланди.

Устоз бу йил кўтлуг 65 ёшини нишонламоқда. Турмуш ўртоғи Шодой мода Холматов билан тўққиз нафар фарзандни эл қорига камарбаста қилиб вояга етказди. «Боланнинг боласига ҳам қадрият сувини ичир, шунда унинг юрагида Ватан уруғи ниш уриб, гулга киргай ва мева бергай» дея кўп ўқиради устоз.

Ҳамза БЕРДИМУРОВ

гичларда атомлар диффузиясининг умумлашган қонуниятларини яратишга катта ҳисса қўшди.

Фан ва амалиёт учун муҳим бўлган тажрибавий ва назарий натижалари асосида М.Баҳодирхонов 1972 йили номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу йилдан ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети физика факульте-

ниятлари аниқланди ва илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Амалиёт учун ғоят зарур хусусиятлари бўлгани учун диффузия усулида компрессирланган кремний янги турдаги яримўтказгичли модда деб эътироф этилди ва у М.Баҳодирхоновга халқаро миқёсда шўхрат ва ҳурмат

Улуғлик бахш этган илм

доктори, профессор Муҳаммадқодир Баҳодирхоновни ҳам мана шундай таърифага муносиб десак муболага бўлмайд.

М.Баҳодирхонов 1962—67 йиллари мамлакатимизнинг бош илм ва билим маскани ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)да устозлари — профессор А.Тешабоев, Э.Назаров, Р.Маллин, Р.Маматкулов каби ўз даврининг ҳурматли билим соҳибларидан замонавий физика илмининг ва инсонийликнинг илк сабоқларини ўрганди. Олий таълим муассасасини муваффақиятли тамомлаган, РФАнинг ҳозирги Санкт-Петербургдаги «Яримўтказгичлар физикаси» институтига стажёр-тадқиқотчи қилиб юборилди. Институтининг Яримўтказгичларда диффузия лабораториясида машҳур олим, профессор Б.Болтас раҳбарлигида М.Баҳодирхонов яримўтказ-

гичларда атомлар диффузиясининг умумлашган қонуниятларини яратишга катта ҳисса қўшди. Фан ва амалиёт учун муҳим бўлган тажрибавий ва назарий натижалари асосида М.Баҳодирхонов 1972 йили номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу йилдан ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети физика факультетига қайтиб, яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси кафедрасида илмий ва педагогик фаолиятини бошлади. Қисқа давр ичида маҳаллий ёшлар ва талабалардан илмий ғруҳ тўзиб, яримўтказгичларда атомлар диффузияси тадқиқотларини фаол давом эттирди.

Янги усулда олинган кремний асосида фанда биринчи мартаба фотоўтказувчанлик токининг инфрақизил нурулар ёки иссиқлик таъсирида миллион мартаба қамайиши мумкинлиги аниқланди ва бу ҳодиса патент идоралари томонидан янгилик деб тан олинди. Бундан ташқари, компрессирланган кремнийда ўта юқори қолдиқ тоқлари ва фотохотира каби ноёб ҳодисалар мавжудлиги, маълум бир шарт-шароитларда қаттиқлашган токнинг автотебранишлари вужудга келиши, уларнинг частота ва амплитудасини ташқи таъсирлар ёрдамида бошқариш имко-

келтирди. 1983 йили домла ТДТУнинг «Электроника ва микроэлектроника» кафедрасига мудири этиб тайинланган, кафедрада илмий ва ишлаб чиқариш ишлари катта суръатлар билан ривожланди. «Фотон» корхонаси билан ҳамкорликда электрон асбоблар ишлаб чиқарадиган республика олий ўқув юртларида ягона кичик технологик цех таъкил қилинди...

Домла ўзининг тадқиқотлари натижалари бўйича нуфузли илмий журналлар ва тўпламларда 200дан ортққ мақолалар эълон қилди, қўллаб илмий анжуманларда маърузалари билан қатнашди, ихтиролари учун 30дан ортққ муаллифлик гувоҳномаси ва патентлар олишга муяссар бўлди.

С.ЗАЙНОВ,
Андижон давлат университети профессори,
физика-математика фанлари доктори



Мамлакатимизда касб-хунар таълими тизимини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ёшларнинг семимли устози, техника фанлари номзоди, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи директори Жасур Қўлмуҳамедов 1959—1969 йилларда пойтахтимиздаги 40-мактабда тахсил кўрган, Тошкент автомобиль ва йўллар институтига ўқишга кириди ва уни «Автомобиль транспорти» ихтисослиги бўйича битириб, қарийб қирқ йилдан бери ўзининг билими, иқтидори, ғайрати ва ташаббускорлигини мамлакатимиз автотранспорти ва йўл соҳасини ривожлантиришга бағишлаб келмоқда.

Ташаббускор олим

Мустақил республикаимиз автомобиль саноатини яратиш, мавжуд автуловларнинг ҳаракатланиши учун жаҳон меъёрларига мос келувчи раво йўлларни бунёд этиш, бу соҳага ёшларни жалб этиш, чукр илмий тарзда асослаш ва ечимини топиш унда ҳали талабалик йилларидаёқ катта қизиқиш уйғотиб, институти тугатиб бу масалалар билан астойдил шуғулланишга бел боғлади. Ўзи таълим олган институтининг «Автомобиллар» кафедрасида стажёр-тадқиқотчи бўлиб иш бошлади. 1976—1979 йилларда илмий тадқиқотларни давом эттириб номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Педагогик фаолиятини илмий изланишлар билан биргаликда олиб бориб, турли илмий анжуманларда ўз чиқишлари билан фаол қатнашди. Олимнинг 13 дарслиги, 12 ўқув қўлланмаси, 6 электрон дарслик ва ўқув қўлланмаси чоп этилган.

У касб-хунар коллежининг директори бўлиб ишлар экан, ўқитувчи ва педагогларнинг малакасини ошириш масаласига ҳам катта эътибор берди. Бу йўналишда хорижий мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Чунончи, кейинги йилларда ўқув юртининг 4 нафар ўқитувчиси Германияда малака ошириб келди.

Утган 15 йил давомида коллежда ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги соҳаларига бўлган талабни ҳисобга олиб амалга оширилди, ўқувчи-ёшларни маънавий-маърифий тарбиялашни юқори босқичга кўтариш, ўқув юртининг ташқи ва ички алоқалари ҳамда ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Жасур Қўлмуҳамедовнинг автомобиль транспорти соҳасини ривожлантириш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодин тарбиялашдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга 2006 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонию кўра «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилди.

Дойимий равишда ўз малакасини, сиёсий, иқтисодий ва илмий-назарий, маънавий билиминини бойитиб келаётган олим қатъиятли, ташаббускор, жўрбатли, ўз соҳасини пухта эгаллаган фидойи инсонлар сирасига кириди.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Халқ таълими аълочиси

МУРАККАБ ЎЙИНДА ДУРАНГГА ЭРИШИЛДИ

Футбол бўйича 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида саралаш бахсларининг навбатдаги турида Миржалоҳ Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси вакиллари «Пахтакор» марказий ўйингоҳида гуруҳдаги энг кучли рақиб — Жанубий Корея терма жамоасини қабул қилди.


Юртдошларимизнинг олий мақсадга эришиш учун мазкур учрашувда ғалаба қозониши муҳим эди. Шу боис О.Аҳмедов, В.Денисов ва А.Ҳайдаров каби етакчиларсиз майдонга тушишга мажбур бўлган жамоамиздан муҳлислар том маънода ғалаба кутишганди.

Учрашув бошидан оқ футболчиларимиз ташаббусни кўлга олиб, рақибнинг ҳужум уюштиришига йўл қўйишмагани ўз маҳсулини берди. 13-дақиқада футболчиларимиз бурчак тўпи тепиш имконини кўлга киритди. Жамоа сардори Сервер Жепаров томонидан узатилган тўп аввалига Санжар Турсуновнинг, кейин рақиб ўйинчисининг бошига тегиб, Жун Сунн Рёнг кўриқлаётган дарвозадар ўрин олди. Гол урилгач, вакилларимиз рақибга янада босимни кучайтирди. Биринчи тайм ўртасида Жасур Ҳасановнинг тезкор ва алдамчи саъй-ҳаракати тугайли Санжар Турсуновда навбатдаги голни уриш учун жуда ҳам қўлай вазият юзага келганди, бироқ...

Биринчи бўлимининг асосий вақти тугашига 1 дақиқа қолган-

ЖЧ-2014

да, корейслар жарима тўпини амалга оширди. Аввалига дарвозабонимиз И.Нестеров тўп учун



кечган ҳаводаги курашда хатога йўл қўйган бўлса, сўнгра Артём Филиппосян рақибларга «ёрдамлашиб» юборди. Шу тариқа биринчи бўлим 1:1 ҳисоби билан якунланди.

Иккинчи таймда ҳам деярли худди шундай манзара кузатилди, қарама-қарши дарвозаларга биттадан тўп киритилди. Фақат иккинчи тайм «сценарий»сида дастлаб рақиблар тўп киритиши «ёзилган» экан. Анзур Исмоиловнинг лаҳзалик хатоси рақиб футболчиси Ли Донг Гукнинг фаоллик кўрсатиши ва 57-дақиқада меҳмонларни ҳисобда олдинга олиб чиқишига сабаб бўлди. Лекин орадан уч дақиқа ўтиб, Санжар Турсунов ўзини кўрсатди ва Сервер Жепаров бурчакдан оширган тўпга боши билан зарба бериб, мувозанатни тиклади.

Шундай қилиб, австралиялик ҳакамлар бригадаси бошқариб борган муҳим учрашув якуний натижаси 2:2 кўринишини олди. Бу натижа билан ҳамюртларимиз 2 очко жамғаришди... Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ЖЧ-2014даги навбатдаги саралаш ўйини 16 октябрь кuni Доҳада Қатар футболчилирига қарши ўтказилади.

Зоҳиджон ХОЛОВ

ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР

боғча боласига қандай ўргатилади?

Ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун боғча ёшидан оқ эhtiборли бўлиш ҳамда белгиланган талабларга риоя қилиш лозим. Ҳўш, мактабгача ёшдаги болаларни соғлом турмуш тарзига кўниктиришда қандай усуллардан фойдаланиш кутилган натижани беради? Бу борада мутахассис фикри қандай?

— Юртимизда мактабгача ёшдаги болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш «Болажон» таянч дастурида белгиланган давлат талаблари асосида амалга оширилади. Болалар ёш доирасидаги асосий ҳаракатлар, яъни юриш, югуриш, сакраш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, тинч турган ҳолда машқлар бажариш, шунингдек, миллий ва ҳаракатли ўйинлар билан банд бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, ҳар кuni катталар назоратида эрталабки бадантарбия машқларини имкон қадар муайян изчилликда очик ҳавода, гиламча устида, енгил усти кийимда қоматни тўғри тутган ҳолда бажариш, ҳар қандай об-ҳавода ҳам ҳаракатли ўйинлар ўйнаш, уйкуга ётишдан олдин хонани шамоллатиш, ҳар кuni юз-кўл, оёқларни ювиш — буларнинг барчаси мактабгача ёшдаги болаларга ўргатиладиган қоидалар ҳисобланади. Бу қоидаларга болалар қанча эрта кўниктириб борилса, шунча самарали бўлади, — дейди Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини



ўртасида ўтказиб келинаётган «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақасида кўринаётди. Юнусобод туманидаги 97-мактабгача таълим муассасаси ушбу мусобақада бир неча бор ғолибликни кўлга киритиб, болаларга илк жисмоний сабоқларни беришда ўзига хос тажриба тўплаган.

Ушбу МТМда жисмоний тарбия машғулотлари ҳар бир боланинг физиологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, ҳафтада икки мартадан тақ-

симланади. Жисмоний тарбия машғулотлари асосан спорт ўйинлари, тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар, маданий-гигиеник тadbirlar, қувноқ дақиқалар, даволувчи massaj, гимнастика каби бир неча йўналишларга ажратилади.

Боғчада болаларнинг спорт билан шугулланиши учун зарур шaroitлар яратилган. Тарбияланувчилар асосан замонавий спорт тури ҳисобланган енгил атлетика ва су-

олинган ҳолда қизиқишларига қараб йўналишларга ажратилади. Бундан ташқари, болаларда жамоа бўлиб ишлаш фазилатларини шакллантирадиган ўйинлар, яъни баскетбол, волейбол ва футболга ҳам алоҳида эhtiбор берилади.

Кичик (1—3) ёшли болалар учун эса турли ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Чунки бу ёшда боланинг ҳаракати суст, диққати тарқоқ бўлади. Шунга кўра кичик ёшдаги болалар билан ўтказиладиган машғулотлар ўйин шаклида ташкил этилади. Масалан, «Хўрозчалар» ўйинида болалар бир-бирининг кетидан юриб, мувозанатни ушлаган ҳолда бир оёқлаб туришни ўрганади. Миллий спорт тури ҳисобланган кураш ҳам болаларда қизиқиш уйғотади.

Мактабгача таълим муассасаларининг вазифаси болаларни ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Яъни, ўзини ақлан ва маънан англаган, бошқалар билан мулоқотда бўла оладиган, жисмонан соғлом ёшларни тарбиялашга асосий вазифа сифатида қаралади.

Сурайё СИРОЖИДДИНОВА, «Ma'rifat» муҳбири



76 йилдан сўнг: энди мюррей

Теннис бўйича Америка Қўшма Штатларида яқунга етган «US Open» турнирининг ғолиби ва совриндорлари номи маълум бўлди. Эраклар ўртасида кечган мусорасиз баҳслар натижасини олдиндан айтиш иложсиз эди.



Чунки бош соврин учун қорда икки номдор ракеткачи — британиялик Энди Мюррей ҳамда сербиялик Новак Джокович ўзаро куч сынашди. Лондон Олимпиадасида зафар қўчган Мюррей биринчи ва иккинчи сетни ўз фойдасига ҳал қилган, кўпчилик Новакнинг «муддатидан олдин» мағлуб бўлишига ишонаётганди. Бироқ тақрибли теннисчи учинчи ва тўртинчи сетда ташаббусга эришиб, мувозанатни тиклади. Шу тариқа ғолиб номи бешинчи сет натижасига кўра аниқланди. Унда омадли Мюрреининг кўли банд келди. Жами 4 соат 54 дақиқага чўзилган финалда якуний ҳисоб: 7:6, 7:5, 2:6, 3:6, 6:2 кўринишини олди.

Эhtiборлики, Энди Мюррейга яқалик бахсларида Буюк Британиядан фақатгина Фред Перри 1936 йили «Улкан дубулга» туркумидаги турнирда зафар қўчганди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтган матчларда эса маҳаллий теннисчи Серена Уильямсдан ўзидан спортчи топилади. У беларуслик Виктория Азаренкони мағлуб этиб, бош соврин соҳибаси бўлди.

ОСИЁЛИКЛАР БАРЧАДАН ИЛГОР

Лондон шаҳрида ўтказилган XIV ёғи Паралимпия ўйинлари ҳам нихоясига етди. Кuni кеча спорт тadbirlarнинг ёпилиш маросимига аталган шоу дастур бўлиб ўтди, деб хабар тарқатди «Associated Press» ахборот агентлиги.

Маросимда дунёга машҳур мусиқий гуруҳлардан бири «Coldplay», рэппер Jay-Z ва хонанда Риканна томоабинлар учун қўйлади. «Олов фестивали» деб номланган шоу сценарийси Буюк Британия байрамлари тарихини қамраб олгани билан эhtiборни тортиди. Улкан майдонда жамулжам бўлган 165 мамлакатдан келган 4200 нафар ампутант саҳнада сценарийдан ўрин олган кичик эпизодларни ижро этди.

Маълумки, «Паралимпиада-2012» жорий йилнинг 29 августидан бошланиб, 9 сентябрь кuni нихоясига етди. Жами 502та медаллар жамланмаса учун кечган бахсларда спортчилар томонидан 251та жаҳон рекорди ўрнатилди. Медаллар жағғариш бўйича иттойлик ампутантлар биринчи ўринни эгаллади.

Навбатдаги ёғи паралимпия ўйинлари 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтади.

БЕКХЭМ «МАЛАГА»ГА ЁРДАМПАШАДИ

«Марка» нашрида таникли англиялик футболчи Дэвид Бекхэм Испания чемпионати аъзоси «Малага»нинг янги мулкдорига айланиши мумкин, деган маълумот тарқатилди.



«Малага» клубининг амалдаги эгаси шайх Абдулла Ал-Тхоний етакчи ўйинчилар клубни тарқ этаётганини вақ қилиб, жамоа учун ажратилган маблағни кескин қамайтиришга қарор қилган. Бу эса ўз тарихида илк марта Европа чемпионлар лигаси гуруҳ бахсларига йўланма олган жамоанинг янги мавсумни кўнглидагидек бошлаши учун тўсқинлик қилиши аниқ.

Ана шундай мураккаб вазиятда Дэвид Бекхэм ажратадиган сармоя клуб футболчилари жонига ора юриши тайин. Англиялик футболчи клуб акцияларининг 75 фоизига эгаллик қилиши мумкин.

Ҳурматли Сурайё Муслимова!



Сиз 32 йилдан бери кўплаб шогирдлар еттиштириб, рус тили ва хорижий тиллар фан ўқитувчиларига услубий ёрдам бериб келмоқдасиз. Биз сиз билан доим фахрланамиз. Сизни муборак 55 ёшингиз билан кутлаймиз. Умрингиз зарварақларида қувончли кунлар кўп бўлсин. Доимо ҳамкасбларингиз ва фарзандларингиз даврасида яйраб юринг.

Юнусобод тумани ХТМФМТТЭБ ва шогирдларингиз



«O'ZBEKISTON» nashriyot-matbaa ijodiy uyi



«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi tashkilotlarini hamkorlikka taklif etib, nohirlik va matbaa mahsulotlarining barча tur-larini, jumladan:

- badiiy va bolalar adabiyati;
- ijtimoiy-siyosiy adabiyotlar;
- ensiklopediyalar;
- rangli va bezakli mahsulotlar (albumlar, plakatlar, bukletlar, adres paikalari va boshqalar);
- qat'iy hisobda turuvchi raqamli blankalar, chek va ruyxatga oluvchi kitoblar;
- uquv anjomlari (umumiy daftarlar, kundaliklar, rasim daftarlari va boshqalar);
- import urini bosadigan xalq iste'moli mollari;
- A4 va boshqa formatlardagi ofis-xujalik qog'ozlari, kanceliyariya kitoblari va boshqalarini shartnoma asosida, qisqa mudatlarda, yuqori sifat darajasida, kelingilgan narxlarda tayyorlab berrishini ma'lum qiladi.

Murojaat uchun manzil: O'zbekiston Respublikasi, 100129,
Toshkent shahar, Navoiy kchasi, 30.

Telefonlar: 244-34-01, 244-38-93, 244-37-81

Faks: (371) 244-38-10, 244-87-55.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-918.

Tiraj: 33473.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.
Nabatchi muharrir:
Nargiza IBROHIMOVA.
Nabatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Ushbu axborot — 22.35
Topshtirildi — 22.35